



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ФАХРИЯ



Чин Истиқлол туфайли халқимиз ўз тарихини, ўтмишини ва улуғ аجدодларини қайтадан кашф этиш имконига эга бўлди. Шундай буюк шахслардан бири – Амир Темуր ҳазратларидир.

Кеча, 9 апрелда Соҳибқирон таваллуд куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Амир Темуր хиёбонига ташриф буюриб, машҳур давлат арбоби, саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси

Амир Темуր ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Қарор ижроси доирасида дунёдаги машҳур музейларнинг энг илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда Темурийлар тарихи давлат музейи биноси реконструкция қилинди, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Рақамлаштириш орқали музей имкониятлари кенгайтирилиб, экспозициялари янгиланди, жумладан, хориждаги тўпламлардан харид қилинган экспонатлар билан бойитилди.

(Давоми 3-саҳифада.)

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

БУЮК ТЕМУРИЙЛАР

Уйғотур дунёни тафаккур бонги, Қиличлар жаранги ҳуркигувчидир. Халоскор тожида ҳуррият тонги, Фотиҳ инояти қўрқитгувчидир.

Адолат қинидан чиқаркан шамшир, Узлатга талпинар нотинч ўлкалар. Одил раҳнамога халқлар мунтазир, Зулмкор юзларда кулранг қўлкалар...

Дунёни жаҳолат уйқуси элтиб, Бешиқдан тобутга кўчди не умр. Башар дуолари Тенгрига етиб, Туронни титратиб ҳайқирди Темури!


Она Шарқим кўзин очди Ҳақиқат, Ачомлаб, тарбият этди Маърифат. Туркий сулолага қайтди Салтанат, Буюк Темурийлар тиклади Давлат.

Темурибек қадами етсаки қаён Боғлар юз очади, бинолар бунёд. Ким тинчлик тарафда: омон, ал-омон, Фосиқлар туғроси барбоддир, барбод.

Нақд етти асрлик дунё тарихи Кўрагон илкдан айро эмасдир. Бобомсиз нотугал Оврупо тарҳи, Бобомсиз дунё ҳам расо эмасдир.

Темурий боғларга ўзбегим ворис, Меросдир шиору илму аъмоли. Янги тузуқларда жамулжам шаксиз Олтин авлоднинг бахту камоли.

Отабек БАКИРОВ



ҚЎРҚУНЧ БИР ЖАСОРАТ ТАРИХИ

Бугун Янги Ўзбекистонда Буюк Темурийлар номи жаҳоний миқёсга кўтариш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Темури тузуқлари” асарининг илмий изоҳли матнини хорижий тилларга ўгириб, чоп этиш йўлга қўйилди. Бу асар таржимаси борасида инқилобий жасоратга қўл урган шахс аллома Алихонтура Соғуний ҳазратлари эди.

Тарихни қурол эмас, қалам ўзгартирган даврлар бўлган. Айниқса, миллат илдиэлари хотира оби ҳаётидан узиб қўйилган чоғларда биргина ҳаракат ҳам жасорат ва маҳорат меvasи уларок, бутун бир авлоднинг дунёқарашини ўзгарттиришга қодир бўлади.

(Давоми 3-саҳифада.)

НАЖОТ ЙЎЛИ



ЎзФА Микробиология институти директори, биология фанлари доктори Шаҳло МИРАЛИМОВА билан суҳбат

– Шаҳло опа, академик Илҳом Содиков шундай деганди: “Илм-фан оламида нарсалар ўз моҳиятини ўзгарттирилади, аниқроғи, асл моҳиятига кўра баҳоланади. Ядро физикасидан ажал қуроли ясашда ҳам, ҳаётни сақлаб қолувчи дорилар яратишда ҳам фойдаланса бўлади”. Худди шунингдек, “микроб” деганда касаллик тарқатувчиларни тушунади омма. Аммо илмда уларга назар ўндан тушган кўринади...

– Домламит жуда тўғри таъриф берибди. Инсон ҳаёти учун энг муҳим мавжудотлар қайси, дейилса, кўпчилик ҳайвонлар ёки ўсимликларни тасаввур қилади. Аслида, жавоб – кўзга кўринмас микроорганизмлардир. Болаликдан “кўлингни юв, микроблар бор, касал бўласан”, деган гапларни эшитганмиз. Онгимизда микроблар салбий тасаввур қолдирган. Табиатдаги микроорганизмларнинг атиги 3 фоизи касаллик чақирғиди, 97 фоизи эса инсон учун фойдали ёки зарарсиздир.

Микроорганизмлар ҳам бир-бирига қарши курашиш хусусиятига эга. Яъни, фойдали микроблар касаллик чақирғувчиларига “уруш очади”. Иммунотетимизнинг қарийб 70 фоизи ичак микрофлораси билан боғлиқ. Шунга асосланиб, ошқозон ярасининг микроблар сабабли юзага келиши аниқланган. Хусусан, “хеликобактер пилори” микроорганизми ушбу касалликни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, сут ачитувчи бактериялар – яъни, қатиқ, ёғурт ва твoрoг тайёрлашда ишлатиладиган фойдали микроорганизмлар соғлом ошқозонда мавжуд бўлиб, улар хеликобактер пилорига қарши курашади.

(Давоми 5-саҳифада.)

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Амир Темури ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ нуфузи ва жозибдорлигини ошириш бўйича навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева АҚШ савдо вакили, элчи Жеймисон Грив билан учрашув ўтказди.

Осиё чемпионати доирасида юнон-рум кураши баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалига сазовор бўлди.

МОЗИЙДАН САДО

АДИБНИНГ АЙВОНИ

Отам Ҳабибулло Қодирий шундай қимматли хотирани айтиб берганди: “1956–1962 йилларда Тошкент давлат медицина институтида таҳсил олганман. Ректор Абдулмалик Ғуломов билан муносабатимиз яхши эди. У киши менинг ТошМИга қайта тикланишимга катта ёрдам берган.

Бир куни Ғуломовнинг хонасида сўзлашиб ўтирсак, қиёфаси кавказликларга хос, кумушсоч, ўрта бўй бир оқсоқол кириб келди. Домла у киши билан кўришиб, дарҳол мени таништирди:

– Мана, ўртоқ Содиқ Алиевич, бу йигит ўша сиз ҳикоя қилиб берган Абдулла Қодирийнинг ўғли бўлади...

(Давоми 4-саҳифада.)

НУҚТАИ НАЗАР

ЭНДИ САЛОҲИЯТИМИЗНИ КЎРСАТИШИМИЗ КЕРАК!

Халқаро Амир Темури жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИ билан суҳбат

– Президентимизнинг “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорга имзо чеккани тарихий ҳодиса бўлди. Бу улуғ аждодимиз сиймосини бадиий асарларида гавдалантириб келаётган адиб, у зот номи билан аталувчи ташкилот раиси сифатида қандай ҳиссиётлар уйғотди?

(Давоми 2-саҳифада.)



ЗИЁРАТ

ИЛМ ВА ИЙМОН МАСКАНИ



Самарқанд вилоятида янгидан барпо этилган Имом Бухорий мажмуасига Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси ва Туризм қўмитаси ҳамкорлигида медиа-тур ташкил этилди. Ушбу тадбир доирасида журналист ва блогерлар мажмуада амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, яратилган замонавий инфратузилма ҳамда зиёратчилар учун муҳайё этилган қулай шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

(Давоми 5-саҳифада.)

Сафар давомида иштирокчилар Ҳадис илми мактаби, халқаро илмий-тадқиқот маркази, тўққиз бўлимдан иборат замонавий музей, улкан масжид, маъмурият биноси ҳамда миллий меъморий аънаналар асосида барпо этилган 154 устундан иборат айвонни кўздан кечирдилар. Шунингдек, улар муҳаддислар султони, буюк ватандошимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилиб, маънавий қувват олишди.

Маълумки, “Саҳихул Бухорий” номи билан машҳур бўлган “ал-Жомеъ ас-саҳих” (“Ишончли тўплам”) асари ислом оламида беқиёс аҳамиятга эга, қимматли манба ҳисобланади. У асрлар давомида Қуръони Каримдан кейинги энг ишончли ҳужжат сифатида эътироф этилади. Шу боис, ушбу мажмуа улуғ муҳаддис қолдирган бой илмий-маънавий меросга бўлган чуқур эҳтиром, эъзоз ва садоқатнинг ёрқин ифодаси сифатида қадрланади.



ЭНДИ САЛОҲИЯТИМИЗНИ КЎРСАТИШИМИЗ КЕРАК!

Бошланиши 1-саҳифада.

– Бу қарор, нафақат Амир Темур, балки уч минг йиллик давлатчилик тарихимизни ўрганиш, идрок этиш йўлидаги муҳташам ҳужжат бўлди. Куни кеча муҳтарам Ўртобшомимиз бизнинг музейга ташриф буюрган чоғида яна бир бор бой тарихимиз, буюк тарихий шахсларимизнинг миллат тарбиясидаги муҳим ўрни тўғрисида тўхталиб, ибратли фикрлар билдирдиларки, биз бу қимматли кўрсатмаларни келгуси ишларимизга дастуруламал қилиб оламиз. Имондан фойдаланиб, суҳбатимиз аввалида бизга буюк даҳоларимизни тўлақонли қайтариб, миллат ғурурини юксалтиргани, жумладан, музейимизни замонавий даражага кўтаришга бош-қош бўлгани, тарихчи ва ёзувчиларга ижод имконини бериб, рағбатлантираётгани учун Президентимизга кенг жамоатчилик номидан миннатдорлик билдириб ўтмоқчиман.

Энди қарорга кайтадиган бўлсак, унда Буюк теурийлар даврини тадқиқ қилиш бўйича илмий-амалий чора-тадбирлар белгилаб берилдики, бу тарихимизнинг бошқа даврларини қандай ўрганиш кераклиги бўйича йўлланма вазифасини ўтади. Чунки “олтин давр” ҳисобланган Соҳибқирон Амир Темур даври ва фаолияти шонли тарихимизнинг ўзгача ташкил этади-да.

Қарор муқаддимасида шундай сатрларни ўқиймиз: “Буюк давлат арбоби ва саркарда, Иккинчи Ўйғонши даври – Теурийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темур миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин тутди. Мустабид тузум томонидан ноҳақ қоралаб келинган бу улуг зотнинг муборак номи ва хотири мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликини англаш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда”.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичи – Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсияти, буюк аждодимизнинг башариат тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда теурийларнинг бой ва бетакдор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг омаллаштириш мамлакатимизда янги Ўйғоншига замин ҳозирлайди. Бу эзгу ишда, аввало, сизу биз – зиёлилар, олимлар, ижодкорлар камарбаста бўлишимиз керак.

– **Мазкур ҳужжатда “Буюк теурийлар” атамасининг халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилиниши бўйича чора-тадбирлар ҳам ўз аксини топган. “Буюк” сифатида жаҳон тарихида тез-тез дуч келамиз: Буюк Британия, Буюк бобурийлар салтанати, Буюк Пётр ва ҳоказо.**


Амир Темур ва теурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини ҳисобга олсак, уларга нисбатан бу сифатни ишлатиш мантаник тўғри бўлибгина қолмай, тарихий адолатнинг тантанаси ҳам бўлади. Шундай эмасми?

– Жуда ҳам тўғри! Фикрингизга қўшиламан. Ҳақиқатда боболаримиз буюк зотлар эди. Нега биз шу пайтгача уларга етарлича баҳо бермай келдик? Нега жаҳон айвонида Амир Темур ва теурийларга нисбатан янграётган турли гап-сўзларга дадил жавоб қайтармадик. Тўғри, бир вақтлар бунинг иложи йўқ эди. Аммо Истиқлол даврида Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов каби “Айтгум, бу кун у маним, маним!” деб ҳайқирсақ арзимасмиди?.. Утган ишга саловат дейдилар. Мана, замони келди, энди салоҳиятимизни кўрсатишимиз керак!

Шу сабабдан мазкур Қарорда Амир Темур ва теурийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини дунёга кенг кўрсатиш ниётида хорижий давлатларда халқаро илмий муомалага “Буюк теурийлар” атамасининг истилоҳ сифатида киритилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. “Буюк теурийлар тарихи ва маданий мероси” мавзусида тақдимотлар, учрашувлар, мулоқотлар, медиатадбир ва анжуманлар ўтказилиши белгиланди.

Ўз-ўзидан, Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Бойсунгур Мирзо, Искандар Мирзо, Султон Хусайн Мирзо, Бобур Мирзо, Гулбаданбегим, Зебуннисобегимларнинг мўътабар номлари тилимизга келади. Барчаси – теурийлар. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида сўхталиб ўтаман.

Мен икки сиймо ҳақида тўхталиб ўтаман. Иброҳим Султон ибн Шоҳрух. Аввал Балх, кейин Шероз вилоти ҳокими бўлди. Ўткир сийсатчи эди. Хатотлик бобида устозлик қиларди. У Қуръони Карим нусхаларини кўчиришда моҳир эди. Бу нусхалардан икитаси Эрон музейлари, хусусан, Шероз шаҳрида жойлашган “Парс” ва Машҳаддаги “Астан Қудс Разавий”да сақланади. Тадиқотчи Дилбархон Аҳмедованинг гувоҳлик беришича, милодий 1427 йилда Иброҳим Султон томонидан кўчирилган “Қуръони-жомий” нусхаси Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида сақланади.



Ҳайратта тушадиган жойи – мазкур нухса кўчирилган, орадан икки асрача вақт кечиб, бобурий подшоҳ Аврангзебнинг қўлига ўтган ва подшоҳ уни эъзозлаб (Иброҳим Султонни “ўша замоннинг энг буюк султони ва замон подшоҳларининг энг улугининг набираси”, деб таърифлайди) нухсанинг охириги саҳифасига китобни милодий 1638 йилда ўқиб тугатганини, улуг аждодларидан мерос сифатида уни асраб-авайлашни ўз бурчи деб билишини ифода этиб ўз қўли билан дастхат битган.

Иброҳим Султоннинг улуг савоб ишларидан яна бири – милодий 1420–1425 йилларда ўзи бош бўлиб муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг энг буюк султони ва замон подшоҳларининг энг улугининг набираси”, деб таърифлайди) нухсанинг охириги саҳифасига китобни милодий 1638 йилда ўқиб тугатганини, улуг аждодларидан мерос сифатида уни асраб-авайлашни ўз бурчи деб билишини ифода этиб ўз қўли билан дастхат битган.

Иккинчиси, Бойсунгур Мирзо ибн Шоҳрух. Тарихчилар уни ўта зукко, донишманд, санъат фидойиси, билимдон хатот, хушфелъ инсон сифатида таърифлайди. У, асосан, отасининг хузурда, саройда хизмат кўрсатган. Мамлакатдаги жами шаҳарлардан эски қўлёмаларни йиғдирган. Боги Сафид боғида ўзи бош бўлиб моҳир хатотларни жамлаган, ҳар томонлама уларни моддий таъминлаган ва қўлёмаларни таъмирлатган ёки янгидан кўчирирган, тайёр нусхаларни мадраса, масжид ва маҳаллаларга тарқатган.

У Ҳирот нақшинигор (миниатюра) мактабининг асосчиси ҳисобланади. Ўзи онаси Гавҳаршодбегимнинг Машҳадда бунёд эттирган мадраса деворларига нақшлар солган. Унинг тарихий ишларидан яна бири Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони қўлёмаларини тўплаб, бири-бирига қиёслаб, шахсан ўзи котиблар йўл қўйган айрим саҳваларни тузатган ва “Шоҳнома”нинг мукаммал нухсасини яратган. Унинг устига, достонга сўзбоши, муқаддима ёзган. Муаззам “Шоҳнома”га сўзбоши ёзиш... бу жуда катта билимни, журъатни талаб қилади. Ана шу нодир нухса ҳозир Теҳрон музейларидан бирида сақланади.

Дарё денгиз дарагини беради. Агар Теуурбекнинг оммага қўлам маълум бўлганда невалари шунчалик улуг ишларга қодир бўлса, унинг ўзи қанчалик катта феномен бўлган экан?! Буни дафъатан тасаввур қилиш ақлга оғирлик қилади. Шунинг учун ҳам қарорда “Теуур тузуқлари” асарининг илмий изохли матнини форс, араб, хитой, инглиз, француз, испан ва рус тилларида чоп этиш, “Теуурийлар даврининг 100 нодир қўлёмаси”, “Теуурийлар даврининг 100 нодир дурдонаси” китоб-альбомларини яратиш, теуурийлар даврига оид, хорижий давлатларда сақланаётган асл ёзма манбалар нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш, Теуурийлар даври манбалари электрон платформасини яратиш белгилаб қўйилди.

– “Тирик тарих” лойиҳаси асосида суратга олинган, Амир Темур салтанатининг Европа давлатлари билан дипломатик ва элчилик алоқалари ёритиб берилган тарихий-бадийий ва ҳужжатли фильмларни Испания, Франция, Буюк Британия каби хорижий мамлакатларда намойиш этиш масаласи ҳам қарорда ўз аксини топди. Амир Темур ва ўзбек киноси масаласида фикрларингиз ўқувчиларимизни қизиқтиради.

– Мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султон сценарийси асосида суратга олинган “Улуғ Амир ва донна Мария” бадийий фильмининг тақдиротида бўлдим ва жуда таъсирландим. Унда Амир Темурнинг жаҳоний шахс экани кўрсатиб берилган. Фильм менга ёқди. Ижодкорларнинг меҳнати мақтовларга арзийди. Фильм бизда Амир Темур мавзусини қандай ёритиш керак, деб чалқаш хаёлларга мубтало бўлиб юрган ижодкорларга йўл кўрсатиб берди ёки бошқача айтганда, йўл очиб берди. Шунинг ўзи ҳам катта хизмат.

Умуман, қилинган яхшилик, эзгулик ҳеч қачон унутилиб кетмаслиги ҳақидаги тарихий хизмат фильм замирига жо бўлган. Амир Темурдай дунё ташвиши билан банд бўлган улуг зотнинг тутқунликка тушган аёллар тақдири билан қизиқишга,

эътибор беришга вақт топганининг ўзи ҳайратланарли! Шу эмасми инсонпарварлик?! Реал ҳаётда шундоқ. Энди уларни ювиб-тараб Испания қиролига элчилар кузатувида юбориши таҳсинга сазовор. Улар Испанияда канизаклар эмас, маликалар қаторида кўрилди, чунки улар Соҳибқирон Амир Темур томонидан юборилган! Канизакларнинг тарихи Испанияда машҳур бўлиб кетди, шоирлар шеърлар битди. Испанияда донна Мария деб номланган канизак, аслида Венгрия қироли Сигизмунд I нинг набираси бўлган.

Фильмнинг кульминациясида Соҳибқирон Амир Темурнинг Европа мамлакатлари монархларига йўллаган мактублари алоҳида-алоҳида кўрсатилиб, ўқиб берилади. Уларнинг муносабатини саҳнада гавдалантиради. Мана шу эпизодлар учун ҳам бу фильмининг дунё бўйлаб тақдироти ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу асар Амир Темурнинг жаҳон тамаддунига, хусусан Ғарб цивилизациясига қўшган ҳиссасини яна бир бор таъсирчан шаклда кўрсатиб беради.

– **Устоз, кейинги йилларда дунё кино усталари бизнинг буюк боболарга эътибор қарата бошлади...**

– Ҳа, бунинг сабаби аниқ. Аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бизнинг ўз буюк боболаримизга қарашимизни ўзгартирди. Натияжада, хориж ҳам ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди.

Шу боис Соҳибқирон ҳақида яқин-йироқ давлат ижодкорлари фильмлар ишламоқда. Уларнинг ҳам ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор, албатта. Лекин унутмайлик: ҳеч бир халқ бошқа бир халқнинг миллий қаҳрамони образини аслидаги очиб беролмайди. Бу ерда фақат актёрлик маҳорати ҳақида кетмаепти гап. Гап: миллий ғурур, миллат шаъни ва миллат тақдирига дахлдорлик масалаларида. Шу сабаб мавжуд тажрибалар ва жаҳон амалиётидан фойдаланиб, Теуурбек ҳақида янги киномаҳсулотлар яратиш устида бош қотиришимиз зарур. Бунинг учун эса аввало, интеллектуал актёрлар жамоасини, дангал айтганда, Амир Темурни ўйнайдиган актёрни шакллантириш, тарбиялаш керак.

– **Бугун Амир Темур ва теуурийларга бағишланган илмий, бадийий, оммабоп асарлар яратилмоқда. Афсуски, аксари икки дарё оралиғида қолиб кетяпти. Халқаро майдонда тарғибот таржимасиз бўлмайди.**

– Таржима масаласи жиддий ва долзарб. Адабиёт бошқарилмайди, деган гап тўғри. Лекин таржима бошқарилиши зарур. Биринчидан, таржимонларга ҳақ тўлаш масаласи жиддий кўриб чиқишли керак. Иккинчидан, “Жаҳон адабиёти” журналимиз чиқиб турибди, таржимонлар майдонини кенгайтирмоқ лозим. Аниқ тақдир айтганда, фақат таржимани хитосослашган наشريят очиш зарур. Яъна таъкидлайман, таржима – ижодий иш, лекин бошқарилмайдиган иш.

– **Соҳибқирон ҳақида ҳеч ким сизчалик кўп ва ҳўб ёзмаган. 80-йилларда “Сарбадорлар” билан бошланган ижодий занжир бугун ҳам давом этиб келяпти. Утган йили “Теуурбек” асаринингдан парча “Jadid” саҳифаларида чоп этилган эди. Мана, бу йил, кутлуғ сана арафасида китоб ҳолида қўлимизга теғди. Янги асарингиз ҳақида ўқувчиларга айтиб берсангиз.**

– Мухтарам Президентимиз зиёлилар билан бўлган мулоқотларидан бирида савол қўйган эди: “Нима учун боболаримиз ёшлиги ҳақида асарлар кам? Хусусан, Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида асар қани?”

Шундан кейин ўйлаиб қолдим. Бу гап худди менга айтилгандай эди. Шу пайт Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов ҳам учрашувдан ҳаяжонланиб чиқиб қолди. У, шу асарни сиз ёзишингиз керак, устоз, ёрдам – биздан, деди. Яхши, оқунгил инсонларнинг сўзи, айниқса, ёзувчига жуда зарур. Кўнглимга учқун тушди, икки йил давомида Амир Темур бобомизнинг аждодлари тарихини илгари ҳам ўқиган бўлсам-да, энди бошқача таважжуҳда ёндашиб ўрганиб чиқдим. Ривоятлар билан танишдим.

Ҳужа Илғор кишлоғига бордим. Бу табаррук масканни у бошидан бу бошига кезиб чиқдим,

кечурунлари яқин келиб қолгандай туюладиган осмонларни томоша қилдим, оқсоқоллар суҳбатларини олдим, тасаввурларим кенга бошлади. Тарихий қисса битгандан сўнг ёзувчи ва олимларга ўқишга бердим, фикрларини тингладим. Бари фойдали бўлди.

Куни кеча “IT-park” мажмуасида китоб тақдироти бўлиб ўтди. Китобни Маънавият ва маърифат маркази билан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамкорликда нашр қилди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга ўз миннатдорлигини билдираман.

– **Соҳибқирон таваллуди йил давомида нишонлаши белгилаб берилган. Жамоат фондининг ва устоз адиб Муҳаммад Алининг келгуси режалари қандай?**

– Шу кунларда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида “Амир Темур ва теуурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилляпти.

Фондда эса Амир Темур ҳақида ёзилган асарларни нашр этиш, уларга бағишланган илмий анжуманлар ўтказишни режалаштирганмиз. Чунки, шу йил апрель ойи иккинчи ўн кунлигида Туркистон шаҳрида Соҳибқиронга бағишланган халқаро конференция ўтказилади.

Ҳозиргача Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини, Амир Темур салтанати ҳақида илк китоб – Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистон юриши қўндалиги” китобини чоп этдик.

Куни кеча қувончи ҳодиса юз берди: “Теуур тузуқлари”нинг уч тилда – ўзбекча, русча, инглизча нашри босмадан чиқди. Китоб муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзбоши билан очилади.

Камини ходимингиз ижодига келсак, то танда жон, юракда мадор бор экан, миллат ва Ватанга дахлдор мавзуларда изланишдан тўхташ йўқ. Катта ишонч, масъулият зиммамизда эканлиги доимо бизни қўлга қалам олишга чорлайверади.

– **Маълумки, жадидлар ҳам Амир Темур шахсини юқори баҳолаган, ундан мадад олган. Хусусан, Фитрат бошчилигида хорижга ўқишга кетаётган талабаларнинг Амир Темур мақбарасида қасамёд қилиши воқеаси юракни титратади. Демак, Теуурбек фақат ўрта асрлар шахси эмас, ҳар бир даврда миллатнинг ўлмас сиймоси, мангу барҳаёт даҳо экан-да.**

– Дарҳақиқат, буюк Амир Темур сиймоси, руҳи ҳамма замонда ҳам халқимизнинг қалбида бўлган, жумладан, жадидларда ҳам. Абдурауф Фитратнинг Амир Темур ҳақидаги ўтти хитоблари, “Юрт қайғуси” мақоласи, “Теуур сағанаси” драмаси буни кўрсатиб турибди.

Сиз айтган талабалар Олмонияга йўл олган эди. У ерга Соҳибқирон қадами етмаган, аммо ўрта асрлар Европаси айнан бобомизнинг ҳиммати ва олижаноблиги туфайли эркин нафас ола бошлади ҳамда илм-фан ютуқларига эриша бошлади. Туркистонлик талабалар эса илмга чаққонлиги, ватанпарварлиги билан “Теуур тиги етмаган жойни қалам билан олди”. Аслида, ана шу қасамёд ҳар бир чет элга ўқишга кетаётган, ўзимизда илм йўлини тутган ёшларнинг ҳам қасамёди бўлиши керак.

Амир Темурни бошқа жаҳонгирлардан ажратиб турадиган жиҳатларидан бири: илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси, боғлар ва иморатлар бунёдкори эканидир. Бугун не-не саркардаю давлат арбобларининг номини фақат китобларда кўраимиз. Аммо Теуурбек номи у бунёд эттирган биринчи бўлиб Теуурбек Ер юзи бўйлаб қад ростлаб турибди, унинг соясига яратилган ва кўчирилган китобларни аҳли жаҳон хатм қилмоқда. Шу маънода, Амир Темур таваллуди санаси фақат миллий эмас, умумбашарий муҳим санадир.


– **Устоз, Ўзбекистон Мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини нишонлаш, “Мирзо Улуғбек” номи биринчи миллий илмий сунъий йўлдошнинг учирлишини эълон қилиш, Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигини ўтказиш, Тошкентда Ислон цивилизацияси марказининг бунёд этилиши, Самарқандда Имом Бухорий мажмуасининг қайта очилиши, Покистонда Бобур боғининг бунёд этилиши халқимизга битмас-туганмас фахр ва ғурур бағишломқода.**

Маълумки, давлат суверенитети рамзларидан бири бу байроқдир. Агар хаёлга эрк берадиган бўлсак, Тарих, Илм, Адабиёт, Имом оғлиг дунёларда ҳар бир халқнинг ўз рамзлари бор. Амир Темур ва Теуурийлар хонадонини ҳам миллатимизнинг ифтихор байроқларидан. Ниятимиз, ушбу байроқлар сарбаланд бўлиб, мангу ҳилпираб турсин!

Устоз, ўлуғ бобомиз тантаналари жараёнида суҳбатга рози бўлганингиз, қимматли мулоқозларингиз билан ўртоқлашганингиз учун раҳмат! Саломат бўлинг!

И.МИРЗААЛИЕВ
суҳбатлашди.

ТАҚДИМОТ



“БИЗКИМ...”

Сир эмаски, бугун Янги Ўзбекистонда маънавий юксалиш, миллий тафаккур ва тарихий меросни асраб-авайлаш борасидаги ишлар тамомил янги босқичга кўтарилмоқда. Мураккаб ва тез ўзгараётган замонавий дунёда эса миллий тарихга ҳолис ёндашиш, ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва тарихий хотирани мустоҳкамлаш энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али муаллифлигида “Теуурбек” номи янги тарихий қисса яратилди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Конгресс залида ушбу асарнинг тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчи-шоирлар, теуурийлар даври тарихи ва маданий меросини ўрганаётган тадиқотчилар, тарих, адабиёт ва маданият соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Тантанали тақдимотни Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Боту Алимов очиб бераркан, йиғилганларни Соҳибқирон Амир Темурнинг болалик ва ўсмирлик давларини ёритишга бағишланган янги асар билан самимий қўтлаб, тадибирнинг маънавий аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритди.

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али сўзга чиқиб, “Теуурбек” қиссасининг яратилиш тарихи ва аҳамияти ҳақида фикрларини билдириб ўтди. Муаллифнинг таъкидлашича, асар бир неча йиллик илмий ва ижодий изланишлар натижасида тайёрланган бўлиб, у буюк бобомизнинг юксак ахлоқий фазилатларини ёш авлодга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Амир Темурнинг болалиги ва ўсмирлиги ҳақида расмий рисолалар ҳамда тарихий солномаларда чекланган маълумотлар мавжуд. Буюк теуурийлар даврини ўрганиш билан шуғулланувчи олимларга яхши таниш бўлган Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Фасих Хаёвоний каби муаррихлар ёзган хотиралар, шунингдек, халқ озаки ижоди намуналари асосида Теуурбекнинг болалик даври ҳақидаги тасаввурларни тўлдиришга бир неча бор уринишлар бўлган. “Теуурбек” асари шу каби ҳужжатларни бадийий талқин қилиш орқали ўқувчига янги қараш ва таассуротларни тақдим этади.

Тадбир давомида саҳнада Амир Темурнинг онаси Тегино хотун сиймоси гавдалантирилди, шунингдек, “Теуурбеклар мактаби” ўқувчилари томонидан тайёрланган ҳарбий муסיқий намойиш ва жанг санъати чиқишлари ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Қиссанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда сунъий интеллект ёрдамида яратилган иллюстрациялар ва видеоматериаллар билан бойитилган. Шунингдек, асар якунида буюк саркарданинг авлодларга қарата айтган сўзлари аудио форматда тақдим этилди.

“Теуурбек” асари ёш авлодни миллий ғурур, ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим манба сифатида аҳамиятлидир. Мазкур китоб кенг жамоатчилик, тарихшунослар ва адабиёт ишқибозлари учун мулжалланган.

Отабек РАҲИМ



“АДОЛАТ ҲАР БИР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!”

Бошланиши 1-саҳифада.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу реконструкция қилинган Теурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, музейнинг янгиланган экспозицияси ва ташриф буюрувчилар учун яратилган шартлар билан танишар экан, аждодлар меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш нақадар муҳим эканига ургу берди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф асосида Теурийлар тарихи давлат музейининг меҳмонлар китобига дастхат қолдирди.

Дунё ҳавас қилгучи тарихимиз, меросимиз бор. Соҳибқирон тарихини жамлаган музей замонга муносиб янги қиёфага келгани яхши бўлди. Энди буни аҳолимизга, ёшларга, хорижий меҳмонларга етказиш энг катта вазифамиз. Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билимларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг барчаси – аждодларимиз қолдирган меросда, илмда. Шу боис, ёшларимизни, нурунийларни, умуман, аҳолимизни маҳаллабай тарзда музейларга олиб келиб, буюк тарихимиз ҳақидаги билимларни оширишимиз лозим.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Бу йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганга 35 йил тўлади. Шу муносабат билан Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ғи қарори қабул қилинди. Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжат билан Истиклолимизнинг шонли санасини юксак савияда ўтказиш, ушбу улғу байрамни муносиб нишонлашга тайёргарлик қўриш ҳамда мазкур айёمنى умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, шунингдек, бир қатор йўналишлар бўйича “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш юзасидан зарур вазифалар белгиланди. Қарорда белгиланган вазифалар халқимизнинг умумий мақсади ва орзуларини мужассам этган.

Умумхалқ тўйини кенг нишонлаш режаси фақатгина тарихий ҳужжат эмас, балки келажагимиз учун муҳим йўл харитаси чизилган. Истиқлол солномасига назар ташлаган киши кейинги тўққиз йилда мамлакатимизда янги-янги анъана ва қадриятлар, янги ижтимоий муносабатлар, янги дунёқараш ва фикрлаш, шу билан бирга, мамлакат, миллат тақдирини муҳим масъулият ва бундан фахрий-ифтихор хисси пайдо бўлганга гувоҳ бўлади.

Ўттиз беш йил аввал эрта-кеч даладан келмайдиган, елкасидан кетмон тушмаган қафти қадоқ деҳқоннинг фарзанди бугун мамлакатнинг олтин авлоди вакили, Ўзбекистоннинг ифтихори, умиди, буюк келажагимизнинг яратувчиси деб аталса, ана шунинг ўзи оламшумул эврилиш эмасми?! Президентимиз ташаббуси билан бошланган бунёдкорлик, деярли қайта қурилган шаҳарларимизнинг, ободонлаштирилган қишлоқларимизнинг янги замонавий кўриниши, йўлсозлик, кўприк-созлик, шаҳарсозлик илмининг, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожланиши, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар, миллатлараро аҳил-иноқлик, бағрикенглик, ҳеч шубҳасиз, Истиқлол имконини тўғри тасарруф этган одил сиёсат шарофати.

Ўзбекистон етакчилиги қатъий сиёсий ирода-си билан мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилди. Тан олиш керак, мустақилликдан кейин ҳам оддий халқни мажбурий меҳнатга жалб қилиш, болалар кучидан фойдаланиш, хотин-қизларни чой-чақага ҳам арзимайдиган ҳақ эвазига оғир меҳнатга тортиш юракларни зада қилиб ташлаганди. “Бечора чора истар, бир чора замон борму?” деб дардимиз ичимизда юравердик.

Нихоят, “бир чора замон келди” ва Давлатимиз раҳбари барча муаммолар ечими сифатли таълимда деб ташхис қўйди. Жамият маърифатли бўлсин, миллат илмли бўлсин деди.

Миллат бошига минг бало ёғдирган машъум пахта сиёсати, пахта якжақоқчилиги миллат болаларини мўрт ва касалманд қилиб қўйганига совет тузуми айбдор саналарди. Аммо бу вазият мустақилликдан кейин ҳам ўзгаришсиз қолди. Ҳосилнинг

ярмидан ортигини териб оладиган машиналар металлломга топшириб юборилди. Теримнинг асосий юки мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар зиммасига тушди. Мамлакат иқтисодийетини юксалтириш учун миллат маърифати, онгу тафаккурини бой бериш алал-оқибат миллий инқирозга юз тутишга олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрилмади. Бу фарзандларимизнинг ўқишдан қолиб кетиши ёки чаласавод ва рамақижон бўлиб улғайишига, миллий ғурур, миллий ўзликдан узоқлашишга йўл очди. Қорни тўқ, усти бут, оиласи обод, фарзандлари ўқимишли бўлган халқгина ўз олдига улғувор мақсадлар қўя олади. Эътибор беринг, бугун ҳар бир вилоятда ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Президент мактаблари фаолият юритмоқда. Таълим тизимини замонавий методлар асосида, шахс тарбиясига эътибор қаратган ҳолда, айниқса, халқаро стандартлар талабларига мос фаолият олиб борилаётгани кенчалик самарали эканини ҳаёт тасдиқлаб турибди. Бу қадамлар Уччинчи Ренессанс пойдевори учун замин бўлаётганини халқимиз чин дилдан ҳис этипти.

Йиллар йилларга уланиб бораверади. Вақт чигириги тинимсиз айланади. Мақсадни аниқ белгилаган, баҳамжиҳат ҳаракат қилган, огоҳликни қўлдан бой бермаган, ютуқларидан эсанқирамай, янги, янада баланд марраларни кўзлаган халқ, миллатгина ўзининг буюк келажагини таъминлай олади.

Соҳибқироннинг давлат бошқаруви, адолат, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий барқарорликка бўлган муносабати замонавий давлатчилик тамойилларимиз билан ҳамоҳанг, десак янгилишмаган бўлаемиз. У ўз даврида илм-фан ва маданият ривожига катта эътибор берган, бундан ташқари, улғу адиблар ва олимларни ҳимоя қилиб, уларнинг янги авлодини тарбиялаган. Уша даврда яратилган маданий мерос бизнинг бугунги миллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади.

Амир Теурунинг тарихий адолатга асосланган ҳақиқий сиймоси халқимиз учун бир неча асрлар давомида орзу-армон бўлиб келган. Соҳибқироннинг асл қиёфаси, тарихий мавқеи кейинги йилларда қайта тикланиши фақатгина ўтмишга эҳтиром ифодаси эмас. Бобомиз шир қилиб кўтарган адолат тантанаси самараси ўлароқ бу амал келажақ авлодларга миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улардан фахрланиш имконини берди.

Буюк бобомиз сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланди, ўзликини англаш, анъана ва қадриятларимизни тушуниш ҳамда кадрлаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Бугун таваллуд қилинишни наътанган буюк адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ижодида ҳам Амир Теуру сиймоси ва даври асосан улғуворлик, миллатпарварлик ва тарихий ғурур тимсоли сифатида гавдаланади. Гарчи Қодирий Амир Теуру ҳақида махсус тарихий асар ёзмаган бўлса-да, унинг ёзмаларида, хусусан, “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек ҳожи лафзидан улғу Амир номи эҳтиром билан тилга олинади. Умуман, жадид публицистикасида Соҳибқироннинг давлатчилик сиёсати ва шахсиятига нисбатан юксак ҳурмат сезилади. Бу мақолаларда Амир Теуру мусулмон Шарқдан Ғарбга дўстона қўл узатган, кучли ва одил давлат арбоби сифатида таърифланади. Ойдинлар тарихий манбаларга таяниб, оламгирнинг Испания қирроли элчиси Клавиуго кўрсатган изат-ҳурматини ва уни “ўғлим” деб атаганини олижа-ноблик ва дипломатик маҳорат мисолида эътироф этади.

Қодирий яшаган даврда Соҳибқиронга нисбатан салбий муносабат шакллантирилганига қарамай, ёзувчи ҳақиқат қўзига тик боқиб, Туркистонни бирлаштирувчи яловлардан бири ўз жаҳонгирларимиз эканини бадиий йўсинда таъкидлайди. Қодирий ижодини таъкид этган олимлар ёзувчининг тарихий манбалардан яхши хабардор бўлганидан далолат этадилар.

Истиқлол айёми – эрк ва озодлик байрами, имкон ва ишонч тантанаси, Янги Ўзбекистоннинг катта тўйидир. Эскидан қолган табаррук анъанага қўра, тўйга тўёна билан борилади. Азиз юртдош, келинг, бу буюк издиҳомга муносиб совға билан етишайлик. Зеро, тўй эгаси ҳам сизу биз, ҳаммамиз... Энг қиймати бебаҳо тўёна – чин Истиқлол насиб этган толеи порлоқ халқ ҳам ўзимиздир.

Иқбол МИРЗО

ҚЎРҚУНЧ БИР ЖАСОРАТ ТАРИХИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Алихонтўра Соғунийнинг “Теуру тузуклари”ни таржима қилиши ана шундай тарихий ҳодисалардан бири эди.

Таржимачиликда ҳам маънавий ҳуқуқ деган тушунча бор. Соғуний ҳазрат ана шундай мақом эгаларидан, балки бу эзгу иш учун энг муносиб шахслардан эди. Инсоният тарихида туб бурилиш ясаган, Теурийлар Ренессансини бошлаб берган Соҳибқирон тузукларини ўқиш, ўқиш ва ўзгаларга ҳам ўқитиш учун, албатта, аллома, давлат арбоби, Алихонтўра Соғунийдек моҳир таржимон бўлиш керак. Айниқса, қаттол тузум қамчисидан қон томиб турган ўша кезларда.

Алихонтўра Соғуний 1885 йил 21 мартда Тўқмоқ шаҳрида туғилган. Соғуний тахаллуси Боласоғун шаҳри билан боғлиқ. Аввал “Мир Араб” мадрасасида, кейин Мадинадаги дорилфунунда таҳсил олади. Чор маъмуриятининг аҳолини мардикорликка олиш сиёсатига қарши



чиққани учун подшо махфий полицияси таъқибида бўлади. 1916 йил кўзғолони шафқатсизларча бостирилган, сиёсий муҳожир бўлиб Қашқарга кетади, кейин Шарқий Туркистонга – Ғулжа шаҳрига боради. Бироқ бу ерда ҳам ҳурфикрлик ва миллатпарварлиги учун бошида кўп калтаклар синади. Омма орасида хуррият ғояларини тарғиб қилгани сабабли, 1937 йили Хитой маъмурият томонидан хибсга олинди, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади. 1941 йилга келиб адлиявий тафтиш натижасида озод қилинади. 1944 йил 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, Алихонтўра Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди. 1946 йил июнда совет айдоқчилари томонидан махфий равишда тазйиқ билан Ғулжадан олиб чиқиб кетилган, умрининг охиригача Тошкентда уй қамогида, қатъий назорат остида яшади.

Алихонтўра Соғуний тарихини, айниқса, Туркистон ва ислом тарихини чуқур ва дақиқ ўрганган ўткир зеҳнли олим эди. Асарларининг номиёқ муаллиф илм доираси ва мусанифлик қобилиятидан далолат: “Тарихи Муҳаммадий”, “Туркистон қайғуси” (1966–1973 йилларда Тошкентда ёзилган), “Девони Соғуний”, “Шифо ул-илал” (“Хасталиклар давоси”) ва бошқалар. Олимнинг “Тарихи Муҳаммадий” асари 1959 йилда ёзиб тугалланган, лекин муаллиф вафотидан кейин, 1991 йилда чоп этилган.

Соғуний ҳазратлари 1976 йили вафот этган ва Тошкентдаги Шайх Зайниддин бобо қабристонига дафн этилган.

Алихонтўра Соғунийнинг таржимачилик соҳасида бой мерос қолди. Унинг таркибида Аҳмад Донишининг “Наводир ул-вақоъ”, Дарвеш Али Чангйининг “Муслика рисолати”, Ҳерман Вамбергининг “Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи” каби асарларини кўраемиз. Бу соҳадаги шоҳ асар эса, шубҳасиз, “Теуру тузуклари” эди.

XX асрнинг ўрталарида Амир Теуру номи атрофидаги баҳслар сиёсий тус олган, унинг шахси бирёқлама талқин қилинаётган эди. Теурубек фақат босқинчи сифатида кўрсатилар, унинг давлатчилик тажрибаси, адолат ва тартиб ҳақидаги қарашлари сояда қоларди. Ана шундай қалтис пайтда Алихонтўра Соғуний “Тузуқлари”ни форсчадан ўгиради. Ушбу таржима 1967 йилда “Гулистон” журналида чоп қилина бошлайди. Аммо адолат юзага чиқаётганидан қўрққан ўша даврнинг айрим раҳбарлари қаршилик

кўрсатиши натижасида асар охиригача нашр қилинмай қолиб кетади.

2025 йилда “Алихонтўра Соғуний” нашриётида чоп қилинган “Теуру тузуклари”да мазкур китобни нашрга ҳозирловчи Қутлуғхон Шокиров шундай ёзади: “Шу вақтгача ўзбекча нашр этилган “Теуру тузуклари” форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимасида, Бўрибой Аҳмедов тахрири остида ўтган асрнинг 90-йилларида китобхонларга тақдим этилди. Аммо бу ерда диққатдан четда қолмаслиги керак бўлган бир хусус бор. “Узоқ замонлар мобайнида эски тузум идеологияси сабабли Амир Теуру шахси ҳақида фикр юритиш қатъийан ман этилганлигидан бу мавзу таҳликали ва ёпиқ эди. Ана шундай пайтда падаримиз катта жасорат кўрсатдилар ва 1960 йилнинг 9 июлида Тошкентда Соҳибқирон тузукларини форсчадан она тилимизга ўғирдилар. Таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор мазкур таржима асарни асл ҳолига келтирган деб баҳолаганди. Бу билан халқимизни ўзлигини танишга ундадилар. “Теуру тузуклари”нинг ушбу таржимаси том маъноси билан илмий ва миллий шижоат обидасидир”.

Алихонтўра Соғуний “Таржимондан” қисмида шундай ёзади:

“Ҳозирги тарихдан минг йиллаб илгарийек маданият оламида кўплаб ҳиссалари қўшилган, бутун инсон наслида фойда етказарлик илмий асарлар қолдирган Форобий, Беруний, Ибн Сино каби улғу олимлар эрса шу юртимизда туғилмишдир. Шунга ўхшаш бутун дунёга отоғи чиққан, ўзлиги тарихларда достон бўлган Теуру каби жаҳонгир ҳам Ўрта Осиёдан чиқмишдир.

Ўзбекистонимизда ўтган улғу олимлар, устодлар тарихий тараққиётлар орқали эндиёна юзага чиқиб танилаётган бўлсалар ҳам, ҳалигача очилмай, кўмилиб ётган тарихий шарафларимиз яна ҳам кўпдир. Бунинг бирдан-бир сабаблари эса бутун тарих китобларимиз арабча, форсча тилларда бўлиб, ўз тилимизда ўзбекча ёзилган китобларимизни камлиғидир. Бундай бўлган, Теуру тарихини ва бошқа тарихий ишларимизни билишга қизиққан анчагина ёш Ўзбекистон олимлари Оврупо тилларида ёзилган тарих китобларини ўқишга мажбур бўладилар. Булардаги сўзлар эса қўлдан-қўлга, тилдан-тилга кўчирилиб келинганликдан ҳақиқат қоронғилашиб, киши кўнагини қондирғудай илмий қаноат бера олмайди.

Биз кўрган арабча, форсча, туркча китобларда Теуру устида ҳар турли сўзни ёзадилар. Уларнинг қайси бирлари уни бошга кўтариб мақтасалар, баъзилари уни ерга урадилар. Йигирма етти пойтахтли ерни ўзига бўйсундирган лашкарбоши мазкур китобда ўзининг бутун қилган ишларини қисқача айтиб ўтганидан сўнгара, ўз салтанатини сақлаш учун болаларига қўлланма бўлғудек ҳарбий-сиёсий ёсолларини қуриб кўрсатиб, уни “Теуру тузуклари” деб атамишдир. Аслида эса бу китоб Теурунинг ўз қалами билан ўзбекча ёзилган бўлса ҳам, бунга ўз меросхўрлари эга бўла олмаганлар. Эшитшимча, бу китобнинг асл нусхаси Лондон китобхонасида сақланмиш.

Тошкентдаги Диния китобхонасида бундан бир нусха борлигини аналаб, уни кўришга қаттиқ қизиқдим. Қарасам, у олтин китоб ўз асли ўзбек тилидан форсчага кўчирилган, ўз маъносини йўқотмаган бўлса ҳам, ўзбеклик ҳайбатидан ажрамас эди. Бунга ўқигач, Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” китобиде айтган сўзини эскириб, унга раҳматлар ўқидим. Навоий бу китобиде ўзбек олимлари ўз она тилларини қолдириб, форсий адабиётларига берилганликларини учун қаттиқ норозилик билдиради. Ўзбек тилининг ҳар тўғрида форсий тилидан ортиқчилигини кўрсатиб, ўзбекчадан бир юз оғиз сўз келтиради. Буларга форс шоирлари ўз тилларида таржима тополмадилар, дейди.

Мен бу сўзнинг тўғричилигини илгаридан билсам ҳам, айниқса, бу китобни таржима қилиб чиққанлигидан сўнгара кўнглимда ҳеч гумоним қолмади. Чунки бу китобнинг асл нусхасидаги бир неча сўз ўзбекча сўзларга форсийдан ўнган таржимаси топилмагач, у сўзларни таржимон шул бўйича қолдиришга мажбур бўлмишдир. Ўқувчиларга анелатиш



Бўри ҚОДИРОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини бўлим бошлиғи

учун булардан баъзиларини бу ўрунда кўрсатиб ўтамиз:

1. Чорпилчор – урушга тўплаш, уруш
2. Соғуний – ҳаёда
3. Суюргол – маош, ер-мулк
4. Қобу – пайт
5. Жолду – инъом
6. Чопул – ҳужум
7. Чопқулаш – қиличбозлик.

Бундан бошқа аскар ёсолларида қўлланмиш тубандаги сўзларнинг кўпроги таржимасида сўзларнинг қўлдан-қўлга келтирилганлиги, масалан, гўл (уруш чоғида аскар сафларининг энг ўрталлиғи), барангар (аскар сафларининг ўнг қўли), жарангар (аскар сафларининг сўл қўли), хировул (аскар сафларининг олдидаги баҳоқирлар тўпи), шоқовул (уруш майдонига эҳтиёт тўпи), чиндоғул (уруш сафларининг орқа қўриқчи тўпи). Булардан бошқа ҳам таржима бўлмаган сўзлари кўпдир.

Энди бу китобни бошдан-оёқ кўриб чиққанымда, бунинг асли ўзбекча бўлиб, Теурунинг ўз сўзи эканлигини билдим”.

“Теуру тузуклари” – бу фақат қонунлар мажмуаси эмас. Унда давлат бошқаруви фалсафаси, раҳбар масъулияти, адолат тамойили, интизом ва тартиб ҳақида чуқур фикрлар жамланган. Теуру ўз давлатини қуришда қандай мезонларга таянгани, раҳбар ва фуқаро муносабатини қандай тасаввур қилгани айнан шу асарда ифода топган.

Соғуний таржимаси шу жиҳатдан тарихий адолатни тиклашга хизмат қилди. У матни шунчаки сўзма-сўз ўғириб қўлмади. Таржиманда тарихий руҳ, давлатчилик оҳанги ва ахлоқий қатъият сақлаб қолинди. “Амир”, “лашкар”, “адолат”, “инсоф” каби тушунчалар ўз мазмуни билан яшаб қолди. Бу эса асарни ўқувчига яқинлаштирди.

Таржима қилинган даврда унинг ҳақиқий қадри тўлиқ англамаган бўлиши мумкин. Аммо мустақиллик йилларига келиб, Амир Теуру мероси қайта баҳоланар экан, Соғунийнинг хизмати янада ёрқин намоён бўлди. Чунки халқ ўз тарихини асл манба орқали англаш имконига эга бўлди. Бу ерда муҳим бир ҳақиқат бор: миллат ўз тарихини бошқалар талқини орқали эмас, ўз манбалари орқали англаши керак. “Теуру тузуклари” таржимаси ана шу йўлдаги оқилона қадам бўлди.


Соғуний нафақат таржимон, балки маънавий кўприк қурган зиёли эди. У ўтмишни бугун билан боғлади. Агар бу таржима бўлмаганида, балки Теуру давлатчилиги ҳақидаги фикрларимиз чала бўлиши тайин эди.

Теуру учун давлат – бу фақат ҳудуд ёки қўшин эмас, интизом, қонун ва масъулият уйғунлиги бўлган. У “Куч – адолатда” деган ғояни амалий сиёсат даражасига кўтарди. Унингча, ҳокимият барқарорлиги асоси қўрқув ёки зўравонлик ҳисобланмайди, балки қонун устуворлиги билан таъминланади. Теурунинг сиёсий қарашларида шахсий манфаат эмас, давлат ва жамият манфаати биринчи ўрунда туради. У ҳокимиятни бойлик ёки шон-шараф воситаси деб санамаган, бىлъакс, халқ тақдирини учун масъулият деб билган. Бу ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Давлатнинг мустақамлиги – адолатли тизим, билимли раҳбар ва халқ ишончига таянади. Теуру сиёсий меросининг энг катта сабоғи шунда.

Тарих баъзан шамшир билан ёзилади, аммо у қалам билан сақланади. Алихонтўра Соғуний ана шундай соҳиби қаламлардан бири эди. Унинг таржимаси тарихни тирилтирди, миллат хотирасини мустаҳкамлади ва ўзликни англашга хизмат қилди.



“Ухлаганларни агар қодир эсак, уйғотамиз...”



Абдулла ҚОДИРИЙ

ТҮЙ

Қилди бу вақт бизда жавлон тўй, Оқчаси йўқни этди хайрон тўй.

Бир-бирдан ошурдилар тўйни, Топди равнақ, хайрат ила боён тўй.

Беш кун тўйни сўнгидин (...)
Кетибон мулклар боис фиғон тўй.

Боён тўйга ерлилар қараб
Этди сарф токи тандаги жон тўй.

Эй ғанийларимиз, эй фақирларимиз,
Амр этубдурми бизга Қуръон тўй?

Мундайн ишлар шаръимизда йўқ,
Кори мажъус, кори шайтон тўй.

Миллий адабиётимизга роман жанрини олиб кирган ва бу насрда баракали қалам тебратган мумтоз адбимиз Абдулла Қодирий серқирра истеъдод эгаси эди. У кишининг қаламидан нафақат романлар, балки ҳикоя, пьеса, таржима, ҳажвия, фелъетон ва бошқа турдаги танқидий-таҳлилий ёзмалар қоғозга тушган.

Эътиборлиси, Қодирий ҳазрат ибтидода назм йўлида ҳам маррани юксак олганга гувоҳ бўламиз. Муаллифининг газаллари, романлари қаттидаги назмий байтларини яхлит ҳолда ўқиганимизда етук шоир сиймоси ҳам кўз олдимизда гавдаланади. Боиси, жадид боболаримиз миллатни уйғотиш, маърифатли қилиш йўлида ҳар бир имкондан, демаски, ҳар бир жанрдан унумли фойдаланишга қарор берганлар.

Абдулла Қодирий шеърятини намуналари бугун ҳам эскиргани йўқ. Аксинча, ҳамон қалбларни жаҳолат ва лоқайдлик иллатларидан тозатириш учун ўқиш ва ўқишга муносибдир.

Ишламас шундай ақллик киши,
Йўламас асло аҳли виждон тўй.

Ўтса тўй бирла ёзу кишимиз,
Айлағай бизни ерга яқсон тўй.

Келингиз, дўстлар, дин қариндошлар,
Ташласун бўлса гар мусулмон тўй!

“Садоий Туркистон”
1915 йил, 64-сон, 20 март, 2-бет

АҲВОЛИМИЗ

Кўр бизнинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,
На Худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз.

Қоримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда,
Ўнтадин бедона боқиб, ёзу қиш сайротамиз.

Ҳамда ҳар кун тақияларда наша-қўқнори чекиб,
Баччага кокил солиб, оҳ-воҳ ила уйнотамиз.

Қаримиз, боёнимиз, балки бу вақт оқвондамиз,
Ногаҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз.

Ўртадан чиқса агар миллатни яхши суйғучи,
Биз ани даҳрий санаб, тўфангча бирла отамиз.

Келингиз, ёшлар, зиёлилар, бу кун ғайрат қилинг,
Ухлаганларни агар қодир эсак, уйғотамиз.

1915 йил

МИЛЛАТИМГА БИР ҚАРОР

Кел, эй миллат, бир кун бир маслаҳат билан
қарор ўлсун,
Бу кундин ўтган ишларга пушаймон бирла ор ўлсун.

Қилайлик бул куни ғайрат ҳамма бирдан қилиб ҳиммат,
Жаҳолат чўл-сахросида минбаъд сабзавор ўлсун.

Бу нодонлик биза қилмиш эди тўрт фаслни қишдек,
Жаҳонни зимистони дўнуб, фасли баҳор ўлсун.

Аяшмай кумуш-олтунни ҳамма боёнлар асло,
Солиб дорилфунунлар ҳам макотиблар ҳазор ўлсун.

Ўқусун миллат авлоди бизни доим дуо айлаб,
Қилиб таҳсил улумларни фунуна яхши ёр ўлсун.

Очайлик жамиъатлар, кўб йиғайлик ҳам июнатлар,
Ки токи ятим ва бечора бекасга мадор ўлсун.

Неча чоғлар бўлбурқим, қочибмиз биз тараққийдин,
Бу кун бир илтифот бирлан бу йўлга бир гузор ўлсун.

Жаҳолат сассиғи бизни ҳаммаша беҳузур этди,
Бу кун илмнинг бўйи бирлан димоғлар

мушкибор ўлсун.

Бизнинг жоҳиллигимизни кўриб ул шод бўлганлар,
Кўриб машғулиятимизни илмга шармисор ўлсун.

Кимиким журъат айлаб, бул каломларга амал қилса,
Жаҳонда исми ани паҳлавон номдор ўлсун.

Бу кун мен сўзладим оз нутқ сиза то Қодир ўлгунча,
Илоҳи айласун таъсир шу сўз сизга бакор ўлсун.

ФИКР АЙЛАҒИЛ

Оқило, фикр айлағил, ки на ишлаюр аҳли ватан,
Қайси фосиқ, қайси жоҳил, қайсиси бўлди чапан?

Қилдилар бир-бирига душманликни ҳар вақт беибо,
Бир-бирини айбин очмоқга киришдилар бажан.

Ер сотарлар элда неча тўй бажо этмак учун,
Чунки бидъатин йўлида ҳам фидодур жону тан.

Пулни кўб исроф этармиз, бизга тўғри келмағай,
Тўлибон тошти бу вақт ул ақчалардин рестўран.

Занлари соҳибжамолу ҳам сатанг деб ўйлама,
Еб-ичиб жир битмаган андоқ сиғири белабон.

Қизларин бўйнида кўруб зебигардон ҳам тумор,
Ўйламангиз олима деб, жумласи нафъсиз, зиён.

Тушса пул кўлига гар, соатча тўхтаб турмағай,
Чунки нодонни кўлида мушк-туфроқдур суман.

Қодирий наздингиза оз ҳасратидин сўйлади,
Айб этуб қилманг ҳақорат, муҳтарам аҳли ватан.

“Ойина” журнали,
1915 йил, 12-сон

АДИБНИНГ АЙВОНИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Тошкент давлат медицина институти хирургия кафедрасининг раҳбари, профессор Содик Алиевич Маъсумов (озарбайжонлик) ҳикояси:

“1937-38 йиллар миёнасида сиёсий маҳбус сифатида мен ҳам ўн бир ой Тошкент НКВДси подвалларида ўтирганман... Камералар маҳбусларга тўлиб-тошиб кетган эди. Мен ўтирган бир камерада етмиш киши ётарди. Камерамиз шунча кишига жуда торлик қилар, ётганда худди тузланган балиқ каби ҳамма бир ёнбошга ётар, агар иккинчи ёнбошга ўғирилмоқчи бўлинса, ҳамма тўшаги бор эди. Мен у кишини танимадим. Аммо ёнимда ётган Муборак Шохов дарҳол уни таниди: “Бу келган киши ўзбек халқининг севимли ёзувчиси Абдулла Қодирий бўлади. Бу одамага ётиш учун амаллаб жой ажратиш берилди керак”, деди. Муборак билан иккимиз икки ёққа сиқилишиб, ўртадан амаллаб бир жой очиб бердик, кўришдик ва кўп сўзлашмай, бошқаларнинг уйқусига халал бермаслик учун кўз юмдик.

1938 йил январь ойининг бошларида бўлса керак, тун ярмида эшигимиз қулфи очилиб, камерамизга бир кишини кириштириб юбордилар. Ҳамма: “Яна ким келди?” деб бош кўтариб қаради. Келган киши қиқ-эллик ёшлар орасида, соч қўйган, устида қизил пахталик тўн, оёғида қилиш-маҳси, кўлида қичкина тўшаги бор эди. Мен у кишини танимадим. Аммо ёнимда ётган Муборак Шохов дарҳол уни таниди: “Бу келган киши ўзбек халқининг севимли ёзувчиси Абдулла Қодирий бўлади. Бу одамага ётиш учун амаллаб жой ажратиш берилди керак”, деди. Муборак билан иккимиз икки ёққа сиқилишиб, ўртадан амаллаб бир жой очиб бердик, кўришдик ва кўп сўзлашмай, бошқаларнинг уйқусига халал бермаслик учун кўз юмдик.

Шундай қилиб, ўзбекининг севимли ёзувчиси, яъни “жиноятчи”си (Содик Алиевич бу сўзга сўзини киноя қилиб айтар ва: “Таниқли ёзувчилардан таниқли жиноятчилар чиқшини тарихда биринчи эшиттишим”, деб кулар эди) билан танишдик. Қодирий вазмин табиатли, камтар шахс экан. Доим бирга суҳбатлашардик, у киши бизни зериктирмасдилар...

...Мен отангизнинг асарларини ўқимаганман. Айтишларича, “Ўткан кулар” йиғирманчи йиллардаёқ озарбайжон тилига таржима қилingan экан. Аммо у кишининг қизиқ суҳбатларини тингалаганман. Бир кун эвек-



лари келиб, Шарқ адабиёти ҳақида узоқ сўзлаб бердилар. Мен ҳам Шарқ кишисиман, ўз адабиётимизни яхши билувчилардан саналардим. Бироқ у кишининг билими олдида меникини ҳеч деса бўлар эди. Қодирий араб, форс, турк тилларини, классик адабиётни тўла ўрганиб чиққан, десам, балки янвалишмасман. Қуръон тафсирини, ҳинд фалсафасини шу кишидан эшитдим ва “Шарқ адабиётининг билимдонни” деган фикр кўнглимдан кечди.

Бобомизга берилган мазкур баҳо бизни уларнинг асарларига ва ўтган ҳаётларига яна қайта мурожаат этишга ундади. Абдулла Қодирий “Ўткан кулар” романининг “Ёзғучидан” дебачасида: “Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик, бас, ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликларни кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгиликларни кетидан эргашамиз”, деган жумла бор. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси Абдураҳмон Жомий томонидан ёзилган. Рўмондаги “Тўй, қизлар мажлиси” фаслида: “Ел билан ўйнашиб ёнган шамъ нури қизларни аллақандай ажиб ҳолатга қўймоқда, мажлий эрса “Алиф-Лайло” ҳикояларидаги “парилар” базмини хотирлатмоқда эди”, деган сўзларни ўқиймиз. “Алиф ва Лайло” “Минг бир кеча” эртақлари тўлаимида учрайди.

Отам Ҳабибулло Қодирийни 1945 йил 28 май куни ҳибса олганларида, уйимиздан қуйидаги китоблар олиб

китобларга ҳам бориб боғланади...

Дебачада ёзилган “Тоҳир ва Зухра” ривояти таҳминан ўрта асрларда шаклланган. “Чор дарвеш” ёзма насрий асар ҳисобланиб, Амир Хусрав Дехлавий томонидан ўн олтинчи асрда ёзилган. Асарнинг ҳинд ёзувчиси Мир Амман томонидан соддалаштириб ёзилган вариант кенг тарқалган. Унда тўрт дарвешнинг бошдан ўтган саргузаштлари ва свети ҳикоялари нақл қилинади. “Фарҳод ва Ширин” Алишер Навоий томонидан 1484 йилда ёзилган. “Баҳромгўр” достони Алишер Навоийнинг 1484-1485 йилларда ёзилган “Сабаъи сайёр” асари билан боғлиқ.

Романнинг “Ҳасаналининг хийласи” фаслида: “Бундаги фарқни Юсуф-Зулайхо қиссаларини ўқуган киши билладир”, деган жумла бор. “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси Абдураҳмон Жомий томонидан ёзилган. Рўмондаги “Тўй, қизлар мажлиси” фаслида: “Ел билан ўйнашиб ёнган шамъ нури қизларни аллақандай ажиб ҳолатга қўймоқда, мажлий эрса “Алиф-Лайло” ҳикояларидаги “парилар” базмини хотирлатмоқда эди”, деган сўзларни ўқиймиз. “Алиф ва Лайло” “Минг бир кеча” эртақлари тўлаимида учрайди.

Отам Ҳабибулло Қодирийни 1945 йил 28 май куни ҳибса олганларида, уйимиздан қуйидаги китоблар олиб

кетилган экан: Саъдий, Хондамир (“Равзат ул-сафо”), “Эргашон тарихи”, “Бобурнома”, Жалолиддин Румий (“Маснавий”), “Баёз” (бир неча баёзлар), “Калила ва Димна”, “Умар Хайём” (рубоийлари), “Ғиёс ул-луғат” (бир неча жилдлик), “Қомус” (туркча, бир жилдлик), Абу Али ибн Сино фалсафаси (қўлёзма, бир жилдлик), Фаридиддин Аттор (“Чор китоб”), Юсуфхўжа Сарёмий (шеърлар тўплами, 1-китоб), Қуръон китоблари (турли даврларда турли хатотлар тарафидан олтин ҳаллар билан ёзилган 8 дон. Буларнинг ёзилиши ўзи бир ажойиб санъат эди), Дехлавий “Чор дарвеш”, Хўжа Ҳофиз, Ибн Халдун (тарих), “Қомус ул-луғат” (туркча, 4 жилдлик), Саҳиҳи Бухорий (2 жилдлик) ва Навоий, Низомий, Фирдавсий, Бедил, Жомий каби шоирларнинг жуда кўп асарлари (жами икки юздан зиёд китоблар).

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон (1908–1982) ҳазратларининг хотираси: “Абдулла Қодирий (Жулқунбой) халқимиздаги мақбул ва машҳур бўлган ёзувчилардан эди. У қалами ўткир, илм-маърифатга ўч, соҳиб илмларни ниҳоят эҳтиром этувчи шахс эрди. 1929-1930 йилларда бўлса керак, Абдулла Қодирий билан бир неча ўлтиришларда бирга бўлганман. Ўшал ўлтиришларнинг баъзилари хотирамда яхши сақланган.

Кўкалдош мадрасаси ортида бўйра сотувчи Юсуф ҳожи исмли бир киши бўлар эди. Бу кишини Бўйрачи ҳожи деб ҳам аташар, ўзи илм ва адабиётга муҳлис, қиблагохимиз муфтий эшон Бобоҳон ҳазратларига ошна, шул туфайли мен ҳам ул кишига яқин эрдим. Бир куни юмш билан шу Бўйрачи ҳожи дўконига кирсам, қозоғистонлик бир олим киши билан (исмини унутдим) сўзлашиб ўтиришаркан. Учовлон суҳбатимиз хийла қизиқ кетди. Гап Абдулла Қодирий хусусига келиб тўхтади. Мазкур олим Абдулла Қодирий билан бир кўришиш орузи борлигини Бўйрачи ҳожига изҳор қилди. Бўйрачи ҳожи ўзининг Абдулла Қодирий билан яқин ошналигини айтиб, агар истасалар шу кунийёқ ул кишининг уйига бошлаб бориши мумкинлигини билдир-

ди ва йўлга отландилар. Мен ҳам, гарчи тошкентлик бўлсам-да, ўшал кунгача Абдулла Қодирийни фақат асарлари орқали таниб, ўзларини кўрмаган ва бир кўришга иштиёқда юрардим. Бул тасо-дифан фойдаланиб, мен ҳам уларга ҳамроҳ бўлдим.

Пешин чоғи яёвлашиб Самарқанд дарвозадаги Абдулла Қодирий боғига чиқиб бордик. Очқ эшиқдан боққа кирдик. Боғ, чамаси, ташқари ҳисобланаркан, шекилли, кимсадан холи кўринарди. Боғ жуда тартибли, оро берилган, четларига қозиктол экилган узун ариқдан сув шарқираб оқар, ўрта бир ерда икки қаватли янги шийпон қурилган эди. Бўйрачи ҳожи бизни такаллуфсиз шийпон тағига бошлаб кириб, стулларга ўтказди ва ўзи уй эгасини қақиргани кетди.

Биз стол устидаги китоблардан олиб ўкиб ўтирдик. Ёдимда, шул китоблардан бирининг номи “Ғиёс ул-луғат” деб аталувчи қомус, шекилли, катта кўҳна китоб эди. Биз ундан баъзи сўзларнинг мазмунини ўқиб англадик.

Бир вақт Бўйрачи ҳожи оқ қалпоқ, оқ кўйлак-позимли, ялангоёқ, қоп-қора бир киши билан сўзлашиб кириб келди. У киши биз билан кўришиб, белбоғига қистирган теҳасини олиб қўйиб ўтиргач, қозоғистонлик меҳмон билан суҳбатлаша бошлади. Мен бул кишини бирон хизматчи ёки бинокор уста бўлса керак, деб фараз қилдим ва кўнглимдан “Бул уста ҳам илмдан бохабар кимса кўринади”, деган андишани ўтказдим...

Улар гўё бир-бирларини имтиҳон қилмоқчидек, араб адабиёти бобида ярим соатдан мўл суҳбат қилдилар. Мен суҳбат узулиш бўлган фурсатдан фойдаланиб: “Абдулла Қодирий бор эканларми, келадиларми?” деб сўрадим. Ул киши кулиб: “Ҳозир келиб қоладилар”, деди ва ҳаммалари кулиб юборишди. Билсам, шул киши Абдулла Қодирий эканлар. Биз борган фурсатда ул киши ўзлари устачилик қилаётган эканлар...

Мен ул чоқларда, гарчи оз-оз илмдан бохабар бўлиб, араб-форс тилларини бирмунча билсам ҳам, ёш (20-21 ёшларда) эрдим. Фикр юришларим, ёзувчилик борасидаги ақидаларим ҳам ёшларча эрди. Шу кун, суҳбат асноси, фурсати келиб, Абдулла Қодирийга шундай савол бердим:

– Кечирасиз, одобсизлик бўлса ҳам... Сиз-ку, ёзувчисиз, ҳамма нарсани ичингиздан тўқиб чиқарасиз. Шу ҳолда мана бу “Ғиёс ул-луғат” сингари эски китобларни мутолаа қилиш сизга не даркор?

Абдулла Қодирий кулиб дедилар: – Ёзувчи ҳамма-ҳамма нарсадан имкон борича хабардор бўлмоғи шарт. Билимсиз, хабарсиз, қуруқ ичдан тўқийверишлик, бу қуруқ ёзувчиликдир”.

Айтишларича, Шайх Алоуддин Мансур Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасига киришишдан олдин “Ўткан кулар”ни қиқ мартадан ортиқ ўқиган экан. Шайх билан бўлган сўнгги издиҳомда йиғилган зиёлилар ўртасида қатагонга учраган жадидларимизнинг асарларини муқоясалаш бошланибди... Шунда у киши хурматли олимларимиздан бири Баҳодир Каримдан: “Сиз қандай фикрдасиз?” деб сўрабди. Баҳодир ака: “Имони бор ўқувчи, албатта, Абдулла Қодирий асарларини ўқийди”, деган экан. Шайх жаноблари эса: “Тўғри жавоб!” деб мунозарага чек қўйган экан. Биз эса “Адабиёт – анави от биринчи келди, бошқаси кейин келди, деб баҳо берадиган, от пойгаси эмас! Балки, у бир боғ бўлиб, ундаги ҳар бир гулнинг ўзига яраша иси бор”, деймиз.

Шоир Муҳаммад Исмоил бир суҳбатда: “Устоз, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов:

– Биз, бугунги ижодкорлар, Абдулла Қодирий барпо этган адабиётнинг “айвон”ида ўтирибмиз, хали “уй”га киролганимиз йўқ, – деганди”, дея ҳикоя қилганди.

Биз кўлига қалам олган ҳар бир ижодкорга ўтган жадид боболаримиз каби бебаҳо Шарқ адабиётлари билан “тўйиниб”, ўша адабиёт “айвон”идан “уй”га кириш бахтини тилаймиз. Уларни фақат қатагонга учрагани учун эъозламай, эътиборини улуғларимиз қолдирган хазиналарга қаратишни сўраб қоламиз. Хулоса қилиб айтмоқчимизки, улар қолдирган бой меросни ёрқин фикр билан ўқиб мулоҳаза юритсак, албатта, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларимиз ҳам бойиб боради.

Шерқон ҚОДИРИЙ



ҲАЁТ ЗАРРАСИ ВА ЗАРРА ҲАЁТИ

Бошланиш 1-саҳифада.

Менинг илмий ишим айнан шу йўналишда. Бундан ташқари, асалари маҳсулоти – прополис ҳам микробларга қарши курашувчи, яра битирувчи хусусиятга эга.

Шу боис, биз сут ачитувчи бактерияларни прополис билан бирлаштириб, ошқозон ярасини даволашга мўлжалланган препарат яратдик. Бу лойиҳа кейинчалик йирик илмий ишга айланди: биз миллий ва халқаро грантларни қўлга киритдик. Хусусан, Ислон тараққиёт банки томонидан лойиҳа юқори баҳолашиб, тадқиқотларни давом эттириш учун грант ажратилди. Шу асосда АҚШ лабораторияларида изланишларни давом эттирдик. Кейинчалик кичик ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бугун маҳсулотимиз дорихоналарда сотилапти.

Умуман олганда, олим учун энг катта бахт илмининг амалиётда фойда беришидир.

– Бир олимнинг кичик организмлар борасидаги катта тадқиқотлари шунчалик натижа берибди. Буни бутун бошли институт миқёсига кўтарсак, янада салмоқли натижаларни кўришимиз шубҳасиз. Бугун Микробиология институти жамоаси қайси соҳаларда илмий ишлар олиб бормоқда?

– Институтимизда микрорганлизмларнинг бир неча муҳим йўналишларда қўлланилиши устида изланишлар олиб борилади.

Энг йирик йўналишлардан бири – кишлоқ ҳўжалиги. Микрорганлизмлар ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантирувчи фитогормонлар ишлаб чиқаради, уруларнинг униб чиқишини тезлаштиради ва тупроқ унумдорлигини оширади. Шу асосда турли экинлар – гўза, будой ва полиз маҳсулотлари учун биологик препаратлар яратилмоқда. Шунингдек, улар зарарли микрорганлизмлар ва хашаротларга қарши курашишда ҳам самарали восита сифатида қўлланади. Чорвачиликда эса фойдали бактериялар эм таркибини бойитиб, ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштириб, иммунитетини мустаҳкамлайди.

Иккинчиси – инсон саломатлиги билан боғлиқ тадқиқотлар. Ҳозирги кунда микрорганлизмларнинг инсон организмидеги ўрни ниҳоятда катта экани аниқланган.

Улар нафақат овқат ҳазм қилиш, балки иммунитет, кайфият ва бошқа физиологик жараёнларга ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис, ичак микрофлорасини ўрганиш ва уни бошқариш бўйича изланишлар олиб борилади. Бу йўналишда доривор ўсимликлар билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам мавжуд: олимлар ўсимликлар билан симбиозда яшовчи микрорганлизмлар орқали доривор моддаларни тез ва самарали олиш устида ишламоқда.

Учинчи йўналиш – экология. Микрорганлизмлар тупроқ ва сувни тозалашда муҳим рол ўйнайди: улар пестицидлар, оғир металллар ва нафт (нефть) қолдиқларини парчалашга ёрдам беради, оқова сувларни тозалашда ҳам қўлланилади.

Тўртинчи йўналиш – саноатда микрорганлизмлардан фойдаланиш. Масалан, айрим кимёвий моддаларни, жумладан, акриламидни микрорганлизмлар ёрдамида олиш экологик жиҳатдан хавфсиз ва самаралироқ ҳисобланади. Бу борада саноат корхоналари билан ҳамкорликда ишлаб олиб борилади. Шунингдек, нафт казиб олишда микрорганлизмлар ёрдамида самарадорликни ошириш йўналишида ҳам тадқиқотлар мавжуд.

Бундан ташқари, институтимизнинг марказий йўналишларидан бири – микрорганлизмлар коллекциясини шакллантириш ва сақлашдир. Кўп йиллик илмий фаолият давомида тўпланган бу база кейинги тадқиқотлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Келгусидаги асосий мақсадимиз институтни инновацион марказга айлантиришдан иборат. Яъни, илмий ишланмаларни фақат лаборатория даражасида қолдирмасдан, амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштиришни кенгайтиришдир. Бугунги кунда дунёда микрорганлизмлар “биологик фабрика” сифатида қўлланилмоқда – улар ёрдамида вакциналар, инсулин, оксигиллар, бўёқлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Биз ҳам шу йўналишни ривожлантириб, замонавий биотехнологияларни кенг жорий этишни режалаштирганмиз.

– Илмий ишланмалар саноат, фармацевтика ва кишлоқ ҳўжалигига қандай таътиб этилмоқда?

– Микробиология институти ўз илмий ишланмаларини амалиётга жорий этиш

борасида катта тажрибага эга ва бу йўналишда эришилган натижалар билан фахрланишимиз мумкин. Бугунги кунда институт томонидан яратилган кўплаб препаратлар турли соҳаларда муваффақиятли қўлланоқда.

Авалло, кишлоқ ҳўжалиги йўналишида бир қатор самарали биологик препаратлар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Фитобиосол” тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади. “Микроўстиригич” ва “Микрозим” препаратлари ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантиради, хусусан, уруларга ишлов бериш орқали уларнинг унумдорлигини сезиларли даражада оширади. Ушбу препарат айни пайтда хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Чорвачилик соҳасида ҳам муҳим натижаларга эришилган. Масалан, “Трихостин” ва “Пробиокорм” препаратлари ҳайвонлар учун емни бойитади, уларнинг ўсиши ва иммунитетини мустаҳкамлайди. Шунингдек, озуқа сифатини сақлаш учун силослаш жараёнида қўлланиладиган препаратлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар озуқа моғорланишининг олдини олиб, озуқавий қийматини оширади.

Ўсимликларни зараркундалардан ҳимоя қилишда ҳам микробиологик ечимлар жорий этилган. Хусусан, пахтачиликда катта муаммо ҳисобланган кўсақ куртига қарши “Экобак” препарати ишлаб чиқилган. Ушбу маҳсулот синовлардан муваффақиятли ўтиб, амалий қўллаш учун тавсия этилган.

Фармацевтика йўналишида ҳам муҳим ишланмалар мавжуд. Масалан, ошқозон ярасига қарши “Ластопрополис” яратганмиз. Бундан ташқари, фойдали бактериялар асосида тайёрланган “Пробиомикс” қондаги шакр миқдорини камайтиришга ёрдам беради. “Пробиокер” эса ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш, иммунитетни мустаҳкамлаш ва умумий соғлиқни қўллаш-қувватлашга хизмат қилади.

Саноат йўналишида эса микрорганлизмлар кимё саноатида қўлланилмоқда. Хусусан, акриламид ишлаб чиқаришда нитрилдидратаз ферментини ҳосил қилувчи микрорганлизмлар – “Рходососус” авлодиға мансуб бактериялар – самарали фойдаланилмоқда. Бу усул кимёвий жараёнларга нисбатан экологик жиҳатдан тоза ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқ ҳисобланади.

Умуман олганда, институтимиз илмий ишланмаларни реал сектор – кишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика ва саноатга таътиб этиш орқали илм-фан ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаб келмоқда.

– Сиз узоқ йиллар Сут ачитувчи бактериялар генетикаси лабораториясида фаолият юритгансиз. Ушбу йўналишда сўнги йилларда қандай муҳим натижаларга эришилди?

– Маълумки, инсон организми микрорганлизмлар билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади ва бу ҳолат оғиз бўшлиғи ҳамда томоқ микрофлорасига ҳам тегишли. Одатда, томоқ оғизда антибиотиклар ёки антисептик воситалардан фойдаланамиз, ammo бу жараён фойдали микрофлорани ҳам зарарлайди. Аслида, нормал микрофлора организмни касаллик кўзгатувчилардан ҳимоя қилиб туради.

Шу асосда биз томоқдаги соғлом микрорфлора таркибидаги лактобактерияларни ўрганиб, уларнинг патогенларга қарши курашиш хусусиятларини тадқиқ қилдик. Соғлом инсонлардан ажратиб олинган бактериялар асосида томоқ оғизнинг олдини олишга мўлжалланган ашё яратиш устида ишладик ва ҳозирда унинг таркиби шакллантирилган, амалий синов босқичида. Дастлабки натижалар бу восита касалликнинг бошланишида самарали эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, ичак микрофлорасининг қондаги шакр миқдорига таъсири ўрганилиб, шу асосда маҳсулоти пробиотик препарат ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Яна бир муҳим йўналиш – балиқчилик учун пробиотик ашё яратишдир. Ҳозирги кунда ушбу соҳа жадал ривожланиб, ammo касалликлар тури ҳам кўпайиб борапти. Шу боис, балиқларнинг иммунитетини ошириш ва касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи препарат ишлаб чиқилди.

Лабораториямиздаги энг истиқболли йўналишлардан бири “ичак-мия ўқи”ни ўрганишдир. Тадқиқотлар давомида гамма-аминодий кислотаси ишлаб чиқарувчи сут ачитувчи бактериялар ажратиб олинди. Бу модда асаб тизимини тинчлантирувчи нейромедиатор ҳисобланади. Айнан шу йўналишда аутизм спектридаги болалар микробиоти ўрганилиб, уларда фойдали бактериялар камайиши аниқланган.

Келгусида ушбу бактериялар асосида психобиотик, яъни инсоннинг руҳий ҳолатига таъсир қилувчи янги турдаги препаратлар яратиш режалаштирилган. Шунингдек, серотонин ва дофамин ишлаб чиқарувчи бактерияларни ўрганиш орқали кайфиятни яхшиловчи воситалар ишлаб чиқиш устида ҳам иш олиб борилади.

Микрорганлизмларнинг имкониятлари ниҳоятда кенг. Бизнинг асосий вазифамиз уларнинг салоҳиятини очиб бериш ва инсон саломатлиги ҳамда иқтисодиёт ривожини яхшиловчи ҳолда фойдаланишдир.

– Сизларнинг фаолиятингизни чинакамнига игнада қудуқ қазига ўхшатса бўлар экан. Ушбу шарафли ва эл-юртга манфаатли ишларингизда Сиз ва жамоангизга гайрат-шижоат ва унум тийилми?

Сўхбатдош: Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТАХИР ТАРИХ



ЙИҒЛАТАДИГАН ЛАТИФАЛАР

Биламизки, латифалар тингловчини кулдириш билан бирга инсон феълларида иллатлар, жамиятдаги муаммоларни сатира билан фш этишни мақсад қилади. Утган асрнинг ўттизинчи йилларидаги қатагон муҳитида куйидаги латифанамо гапларни ўқисангиз, халқимиз тарихининг аччиқ ва аламий бир даври кўз ўнгингизда намоён бўлади. Уларда баён этилган ақл бовар қилмас “жиноятлар” бизни кулдирмайди, аксинча, ўйлатади, маҳзун қилади, ўтмишдан хулоса чиқариб яшашга даъват этади.

Хиваликлар айронни “ийрон” дейишади. Шу бир сўз учун кимнингдир ўн йиллик умри қамоқда ўтганини биласизми?

Ёзнинг иссиқ кунда манзили томон одимлаётиб, оғзи қуруқ-шаган йўловчи бир унинг эшигини қоқиб, сув сўрайди. Эшикни очган келин илтижоли тикилиб турган йўловчига “Йиронми, чой?” дейди. Хурсанд бўлган йўловчи “Йирон яхши!” дейди баланд овозда. Уни шу кунгиз хибса олишади, “Сен Эронни мактабсан, чет давлатни улуғлабсан!” деган айб билан унга ўн йил қамоқ жазоси берилади.

Боғотнинг Найман кишлоғида бўлган воқеа. Дала ишидан очқаб келган эр аёлидан нон сўрайди. Аёли “Нон қолмабди”, деса, эр бечора осмасаватга қараб, “Ҳа, саватда нон йўқ” деб ҳафсаласи пир бўлади. Деворнинг ҳам қулгои бор экан. Уни ҳам дарҳол хибса олишади. “Сен “Советда нон йўқ”, деб аксилшўрвий тарғибот юритгансан!” деган айблов билан у ҳам ўн йилга “кешиб” юборилади.

1936 йилги сайловларда совет инқилобчиларидан бири Димитрий Манжара деган қимсани Боғотдан номзод қилиб кўрсатилади. Сайлов арафасида одамларга бир килодан қанд тарқатилади. Деҳқонбозорлик Ислон тракторчиға қанд етмай қолади ва у колхоз омборчиси ёнига адолат истаб боради. Омборчи дийдиёлардан беизиб кетган эканини, тракторчининг саломини ҳам олмасдан, “Не гап?” деб дағдаға қилади. Тракторчи довриаб Манжара шарифини адаштириб юборади: “Анови Можора тарқатган қанддан менга етмай қолди”...

У гапини тугата олмайди, “сиёсий фаол” омборчи уни “Буюк революционерлардан бири Манжарани масҳара қилди”, деб тегишли идораға чақув беради. Тамом, бечора Сибирга сургун қилинади.

Собиқ тузум даврида “совет” сўзи “шўро” деб ҳам аталган. Бу сўзга уйқаш “шўра” сўзи ҳам бўлиб, у бегона ўтинга номи. Айни шу икки уйқаш сўз билан умрининг ўн йиллини Сибирда ёғоч кесиб ўтказган бригадир ҳақида эшитганимизсиз? Унда эшитинг.

Боғотнинг Қораянтоқ кишлоғилик Мадрим бригадир гўзаларни бегона ўтлардан тозалаётган хотин-қизлар ишини назорат қилишга келади. Кексарко колхозчи ишлаётган гўзақатор орасидан бир туп шўра ўсимлигини топиб, уни юлиб, боши узра кўтариб: “Шўрани нега йўқотмадинг?” дейди. Унинг кейинги аянчли тақдирига шу биргина сўз етарли бўлади...

Француз тилидан олинган “пионер” сўзи “биринчи”, “бошловчи” мазмунини беради. Бу сўз “кашшоф” тарзида ҳам ишлатилган. Кейинчалик бу сўз шевада қисқариб “кашап”га айланади. Аёллар, кўпроқ кекса кампирлар бўйнига қизил бўйинбоғ тақиб, ерга урсанг осмонга сапчиб, гап қолмайдиغان қизчаларга: “Ай, кашап, ўзингга қараб юр!” деб терашлари одат тусига кирган. Ҳозирда ҳам Хоразмда кампирлар гап юмса қизларни шу сўз билан чақиршади. Бу сўз ҳатто ҳақоратга айланиб улгурган.

Қатагон замонларида матбуотда онда-сонда “пионер” сўзини ахли қалам “кашшоф” тарзида ишлатган. Ammo уни қисқартириб, “кашап” кўринишида ишлатган аёллар маҳкамга тортилган.

Колхозларнинг ҳар бир бригадасига бир нафар партия аъзоси агитатор сифатида бириктирилган, ташвиқотчилар кўпроқ партия аъзоси бўлган ўқитувчилардан танлаб олинарди. Кўшқўлпар туманидаги “Ленинград” колхозининг 12-бригадаси ташвиқотчиси Рўзмет Бекчорнов навабдаги маърузасини “биринчи фазагир аёл Валентина Терешкова Ер атрофини неча қарра айланиб чиққани” ҳақидаги хабар билан бошлайди. Бу пайтда колхозчи аёллар далада қолган сўнги кўрақларни териш билан машғул эдилар.

Ўқитувчи совуқ ҳавода қўллари аёздан ёрилиб кетган аёлларга хуш кайфият бағишлаш учун маърузасида ҳазилнамо гап айтади: “Колхозимиз аъзолари ҳар гектардан 34 центнердан хирмон кўтариши. Қолган кўрақларни ҳам териб олсак, ҳосилдорлик 40 центнерга етади. Лекин айрим дангаса аёллар кунлик нормаларни бажара олишмаяпти. У ёқда Терешкова космик кемада Ер юзини айланар экан, сизнинг ишларингизни ҳам кузатиб турибди. Айрим аёлларнинг сустигини кўриб: “Мен Терешковаман. Шарифим “териш” сўзидан олинган. Ўзим бориб теришим керакми?” деяпти. Бу уят эмасми сизларга?” дейди. Бу сўздан терим чарчатган хотин-қизлар кулиб юборадилар. Ammo кечқурун агитатор ўқитувчи туман партия кўмитасига чақирилади ва “Биринчи космонавт аёл устидан қулгани учун” партия билети столга қўйилиши талаб қилинади...

Рўзимбой ҲАСАН

ИЛМ ВА ИЙМОН МАСКАНИ

Бошланиш 1-саҳифада.

Умумий ҳисобда 63,2 гектар майдонни эгаллаган мажмур зиёратгоҳнинг ҳар бир қисми ягона меъморий гоя асосида барпо этилган. Пештоқлар ва айвон деворларига Қуръони Карим оятлари ҳамда “Саҳиҳул Бухорий”дан ҳадислар битилган. Ҳудуд атрофи дарахтлар, турли буталар ва гуллар билан кўкаламзорлаштирилган. Унинг марказида қад ростлаган муаззам масжид эса миллий меъморий муҳандислик намунасиридир. Иншоотга ўзига хос маҳобат бағишлаб турган мовий гумбазнинг диаметри 19 метр бўлиб, у кўзни қувнатадиган ва қалбга осойишталик бағишлайдиган нақшдор тасвирлар билан безатилган. Масжид бир вақтнинг ўзида ўн минг нафар намозхонни қабул қилишга мўлжалланган. Аёллар учун алоҳида бўлмалар мавжудлиги эса зиёратчиларга қўшимча қўлайлик яратади.

Масжид атрофида қад ростлаган тўрт минора ҳам ўзининг 75 метрлик баландлиги билан кишини ҳайратга солади. Узоқдан яққол кўзга ташланиб турадиган бу обидалар мажмуанинг улугвор қиёфасига

салобат бағишлаб турибди.

Ўтган юз йиллар давомида не-не уламо-лар бу муқаддас қадамгоға келиб-кетмаган дейсиз. Ҳатто, XII асрда тарихчи Саманий ва XIV асрда яшаган сайёх Ибн Баттулар Имом Бухорийнинг мақбарасини ўз кўзлари билан кўришгани ҳақида гурурланиб ёзган. Мана энди, бу бахт бизга насиб этиб турибди. Йўл бошчимизнинг айтишича, мақбаранинг умумий баландлиги 27 метрга тенг. Нақшдор деворларини силарканман, уни безаб турган тошлар диққатимни тортиди. Гулсимон нақшлар учун умуман бўёқ ишлатмаган экан. Синчиклаб назар солсам, фақат табиатда учрайдиган рангдор тошлардан тайёрланган. Ҳар бир нақш маҳорат билан кесиб олинган ва қурок шаклида, яъни мозаика услубида жойлаштирилган, ҳар бир ҳаракат аввалдан аниқ ва пухта ўйлангани учун ҳам мажмур санъат асарини ниҳоятда мукамал чиққан.

Таъқи қисмида Грециянинг машҳур мармари ишлатилган бўлиб, у дунёдаги энг оқ “мирамир”лардан бири саналади. Унинг хусусияти жуда қизиқ: жазирама кунларда ҳам паст ҳароратни сақлаб қо-

лади ва бино ичига қуёш тафти ўтишини сезиларли даражада камайтиради. Афғонистон оқ мармари эса шу мамлакат ҳукумати томонидан маҳсулоти сифатида тақдим этилган. Масжиднинг ички қисми ва устунлари учун Туркиянинг Аран оқ тоши танланган бўлиб, унга миллий услубда нафис нақшлар ўйиб ишланган. Шунингдек, Финляндия, Португалиядан келтирилган қимматбаҳо безаб тошлар мажмуага ўзига хос кўрк бағишлаб турибди. Айвон устунлари узоқдан қараганда ёғочдан ишланганга ўхшайди, аслида эса улар ҳиндий тошлардан йўнчилган ва но-зик миллий нақшлар билан безатилган.

Пресс-тур давомида энг кўп эътиборимни тортган жойлардан бири инновацион музей бўлди. Туркия билан ҳамкорликда барпо этилган бу музей 9 павильондан иборат бўлиб, Имом Бухорий ҳазратларининг ҳаёти ва бой илмий меросини замонавий усулда тақдим этади. Музейда улуг муҳаддиснинг илм излаб босиб ўтган ҳаёт йўли, ундан бизгача етиб келган китоблари, ҳадисларни йиғиш ва ёзиб олиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилади.



Энг муҳими, бу муқаддас қадамго аввал бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат қилган бўлса, ҳозир 65 минг нафар меҳмонни халқаро стандартларга мос тарзда қабул қилиш имкониятига эга. Бу эса эндиликда Имом Бухорий мажмуасининг катта маънавий ва маърифий марказга айланганидан дарак беради.

Шаҳриёр ШАВКАТ




ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

ТАЛҚИН

БОБУРИЙЛАРДАН БИРИ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли адиб, шоир ва таржимон Қамчибек Кенжа 80 ёшида вафот этди.



Қамчибек Кенжа 1946 йилнинг 15 августида Андижон вилоятининг Избоскан туманида туғилди. 1969 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг филология факультетини тамомлагач, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Пахтакор”, “Холис” каби газета таҳририятларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида турли лавозимларда фаолият кўрсатди. Узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари сифатида вилоятда адабиёт, маданият ва санъатни ривожлантириш, жойларда илм-фан ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида самарали хизмат қилди. Юзлаб ёшларга устозлик қилиб, уларнинг салоҳиятини рўйбга чиқаришда ташаббускор бўлди.

Қамчибек Кенжанинг “Соғинч” номли дастлабки шеърый тўплами 1975 йилда эълон қилинди. “Яшил барг”, “Соҳилда”, “Юз бермаган қор-қол”, “Балиқ ови” каби дастлабки ҳикоялари китобхонлар ва адабий жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди.

Адибнинг “Соҳилдаги сув париси”, “Қизил гуллар”, “Муҳаббатни гуноҳ десалар”, “Соҳибжамол аёл сирин”, “Кулгибахш умр”, “Бобурийлардан бири”, “Бахт куши ёки ушалган орзулар”, “Ҳамир учидан патир ёхуд кулча ҳикоялар”, “Севинчларим ва куйинчларим”, “Кўнгли кечинмалари”, “Палахмон”, “Жасорат”, “Муҳаббат бадални”, “Машаққат ва жасорат” каби ўнлаб шеърый, насрий ва публицистик китоблари, қисса ва романлари адабиёт ихлосмандларининг маънавий мулкига айланган.

У Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан ташкил этилган халқаро экспедиция аъзоси сифатида бобурийлар ва бошқа буюк аждодларимиз изидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ каби мамлакатлар бўйлаб иқидий сафарларда бўлди. Ана шу сафарлар таассуротлари асосида “Ҳинд сориға”, “Андижондан Даккагача”, “Буюклар изидан”, “Андижондан Бағдогача”, “Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда” каби бадиий сафарномалар битди. Унинг сценарийлари асосида “Бобурийлар изидан”, “Бобур саломини”, “Буюк Бобур ворислари” номли ҳужжатли-оммабол фильмлар яратилди.

Истиқлол йилларида бирин-кетин дунёга келган асарлари унинг иқидий қирраларини кашф этди. Шоир ва драматург сифатидаги асарлари, жамиятнинг фаол аъзоси ўлароқ ўткир публицистик мақолалари, очерклари ёш ижодкорлар учун чинакам ибрат мактаби бўлди. Бобурийлар ва аждодларимиз адабий меросини тарғиб қилишдаги хизматлари учун Бобур номидаги халқаро мукофотга муносиб кўрилди.

Таржимон сифатида А.Пушкин, Ҳ.Ҳейне, Ш.Петёфи, В.Брюсов, М.Светлов, В.Фирсов, Назрул Исломо каби жаҳон шоир, ёзувчиларининг шеър ва дostonлари, насрий асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Қамчибек Кенжа Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан уюштирилган анжуманларда фаол иштирок этар эди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, чекка қишлоқларидаги адабий учрашувларда мунтазам қатнашарди. У бутун ижодини, вақтини, бор имкониятини юртга, Ватанга муносиб хизмат қилишга бағишлади.

Қамчибек Кенжа умрининг сўнгги нафасигача қизгин ижод қилди. Яқинда ёзувчининг ўн жилдлик “Сайланма” китоблари нашр этилган эди.

Устознинг адабиётимиз ва маданиятимиз ривожини йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У “Шуҳрат” медални (1998), “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” (2006), “Меҳнат шуҳрати” ордени (2016), “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” (2023) фахрий унвони билан мукофотланган.

Таниқли адиб, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Қамчибек Кенжанинг порлоқ хотираси ҳамisha қалбимизда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

ОЛАМ ОЛИМИ

РОЖЕР ПЕНРОУЗ

Қора туйнук сирларини ойдинлаштирган нобелчи



Физика бўйича 2020 йилги Нобель мукофоти иккига бўлинди. Унинг ярами Рожер Пенроузга “қора туйнуқларнинг пайдо бўлиши умумий нисбийлик назариясининг ишончли башорати эканлигини кашф этгани учун”, қолган ярами эса Рейнхард Гензел ва Андреа Гезга “галактикамиз марказида супермасив илчам объектни кашф этгани учун” берилди.

ФАОЛИЯТИ

Қора туйнук – бу жуда катта массага эга бўлган фавқулодда зич космик объект бўлиб, унинг гравитация кучи шу даражада кучлики, ҳатто ёруғлик ҳам унда чиқиб

кета олмайди. Шу сабабли қора туйнуқлар тўғридан-тўғри кузатишмайди, балки унинг аτροφ-муҳитга кўрсатган таъсири орқали ўрганилади.

1964 йилда Рожер Пенроуз қора туйнуқларни ўрганишда янги босқинчи бошлаб берган математик ёндашувларни ишлаб чиқди. У фазовий вақтнинг геометрик тусилишини таҳлил қилиш орқали Эйнштейн назарияси доирасида қора туйнуқларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, балки коинот эволюциясининг табиий ва муқаррар натижаси эканлигини илмий асослаб берди.

КАШФИЁТЛАРИ

Пенроузнинг энг муҳим ютуқларидан бири сингулярлик теоремаларини ишлаб чиққандир.

Ушбу назарияга кўра, муайян фи-

зик шартлар бажарилганда, гравитация таъсирида модда чексиз зич ҳолатга – сингулярликка чиқиб кетади. Бу эса фазо ва вақт тушунчалари ўзининг одатий маъносини йўқотадиган чегаравий ҳолат ҳисобланади. Қора туйнук марказида жойлашган сингулярлик бу ҳозирги физика қонунлари амал қилмайдиган ҳудуддир. Бу ерда гравитация чексиз кучаяди, вақт ва масса фақат тушунчаларининг классик физика доирасида изоҳлаб бўлмайди. Шу сабабли сингулярликлар замонавий назарий физиканинг энг мураккаб ва ечилмаган муаммоларидан бири сифатида қаралади.

ФАН РИВОЖИГА ТАЪСИРИ


Олимнинг тадқиқотлари нафақат назарий физика, балки космология – коинотнинг келиб чиқиши ва ривожланишини

ўрганувчи фан соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатди. Унинг ишлари қора туйнуқлар табиатини тушуниш, гравитацион коллапс жараёнларини таҳлил қилиш ва фазовий вақт структурасини ўрганишда фундаментал аҳамият касб этди. Шунингдек, Пенроуз томонидан ишлаб чиқилган назарий моделлар кейинчалик гравитацион тўқинлар, қора туйнуқлар тўқнашуви ва коинотнинг глобал тусилишини тадқиқ қилишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилди.

ХУЛОСА

Рожер Пенроузнинг илмий фаолияти қора туйнуқлар назарияси ва космология ривожига янги босқинчи бошлаб берди. Унинг сингулярлик теоремалари ва фазовий вақт геометрияси оид тадқиқотлари коинот тусилиши ҳақидаги тасавуurlаримизни тубдан ўзгартирди. Шу билан бирга, унинг ишлари замонавий физиканинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш йўлида муҳим илмий асос бўлиб, келгуси тадқиқотлар учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



ХАЗИНА



Зухридин ИСОМИДДИНОВ

Носоғлом ҳаёт тарзи патологияга олиб келганидай, ҳозир китоблар соҳа ва йўналишлар бўйича мутаносиб равишда эмас, асосан икки йўналишда кўп нашр этиляпти. Биричиси – диний асарлар. Улар сон-саноксиз, оқибат, тўртта диний китоб ўқиган одам ўзини муфти санаб, фатво берадиган бўлиб қолди, домлар орасида ихтилоф кучайиб, ижтимоий тармоқларда бир-бирига ҳақорат ёғдириш жўн ишга айланди, бу эса муқаддас динимиз обрўсига путур етказиши аниқ. Аслида эса, ҳамма уламо бўлиши шарт эмас, кўпчилик кундалик меҳнатига андармон бўлгани яхши. Энг ёмони, бунча диний китобнинг ҳаммаси ҳам азбаройи илм деб эмас, тез сотилгани боис пайдарпай нашр этиляпти.

Иккинчиси – турк тилини салпал ўрганиб олган одамки бор, ўзини ижодкор деб билади, дуч келган асарни ўғириб чоп қилдиради. Телеканаллар турк сериалларига ружу қўйгани каби, ноширлар турк “бестселлер”ига ёпишволган. Асл ижодкорлар қолиб, Аҳмад Лутфи Қозончи, Омина Шениқуллу каби ёзарманларнинг асарлари тўлиб-тошди. Унақа “роман”лардан яна мингтасини таржима қилиб чоп эттиринг – ўқувчининг диди бир қарич ҳам ўсмайди. Бошқа яхши асарларнинг йўли тўсилади ҳам.

Едингида бўлса, ўттиз йилча аввал “Ўзбекистонини дунёга танитаман” деган бир гоё ўртага ташланди, танитиш учун ҳар қандай восита маъқул деб топилди. Мамлакатни ҳеч бир нарса спорт ва санъат каби дунёга тез танита олмайди, дея бадиий таржимага ҳам (санъат тури) “дунёга танитадиган восита” деб қаралди. Уша ҳаракат зайти билан кадрлар тайёрлашга ҳам киришилди, олий ўқув юртларида ўзбек адабиётини корейс, япон, хинд, инглиз... тилларига “бадиий таржима қиладиган” болалар ўқитила бошлади.

Тўғри, чет тили яхши билган одам икки киши ўртасида тилмочлик қилиши, нотиқнинг чиқишини кўпчиликка чиroyлай етказиши мумкин. Техника, дори-дармонлар йўриқномаси, сайёҳлик обидалари мазмунини ҳам ажнабий тилда берса бўлади. Аммо бадиий асар... бошқа олам-ку? Ҳар бир тилга ўша миллат вакили бадиий таржима қила олади. Ҳа, ўзга тил намоянаси ундаги фикрни етказиши мумкин, бироқ ҳиссийни юктира олмайди. Яъни, таржима бадиий асар бўлиб чиқмайди. Биздан илгари ҳам ўз асарини бошқа тилга ўзи ағдаришга уринганлар чўв тушган. Масалан, гуржи шоири Николоз Бараташвилининг 150 йиллиги арафасида

машҳур “Мерани” шеърининг энг яхши таржимасига танлов эълон қилиниб, унда икки юзга яқин шоир қатнашган. Ажабки, энг бўш, энг тусиз таржималар айнан гуржи шоирлари русчага ўғирган “Мерани”лар бўлиб чиққан. Бу табиий. Инглизлар япон тилига таржима қилган эмас. 150 йилдан бери руслар ҳам бирон тўртлик ёки частушканини бизга таржима қилиб бермаган.

Бу уриниш бадиий ижод табиатига хилоф, таржима санъати моҳиятини тушунмасликдан келиб чиққан эди. Ниҳоят, таржимачиликни тўғри ва илмий асосли йўлга қўйиш учун ўзбек адиблари асарларини бошқа тилларга ўзимиз ўғириб тақдим этишдай ноилмий, мантиқсиз ишдан воз кечишимиз керак. Мана, ўттиз йилдириқ, айтирди натижага эришмадик ҳам, ҳар гал салкам жиндек қолди, деб ўзимизни овуғтамиз. Ҳар йили юзлаб абитуриент “ўзбек адабиётини хо-ноширлар турк “бестселлер”ига ёпишволган. Асл ижодкорлар қолиб, Аҳмад Лутфи Қозончи, Омина Шениқуллу каби ёзарманларнинг асарлари тўлиб-тошди. Унақа “роман”лардан яна мингтасини таржима қилиб чоп эттиринг – ўқувчининг диди бир қарич ҳам ўсмайди. Бошқа яхши асарларнинг йўли тўсилади ҳам.

Аслида, бизнинг шоир-ёзувчилар зўр асарлар яратса, хорижликларнинг ўзи таржима қилиб олади, мажбуран тиқштириш шартми? Ўттиз йилда ҳам самара бермаган бу ғайриилмий “тажриба”дан воз кечиш вақти келмадими?

Ҳамиша она тилига ўғириниш устувор деб билайлик. Кимгадир керак бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик.

Умри азиз-чи? Ўттиз йилдан бери шундай факультет бўлимларда ўқиган юзлаб йигит-қизнинг қай бири қайси асарни қойиллатиб, ким айтиди, не натижага эришди, ким йилда? Йўқ. Уларни беҳуда ўқитмаяпмизми?

Яна. Кўп хорижий иқидий уюшмалар билан имзоланган ҳамкорлик меморандумлари шунчаки хайрихоҳлик рамзи сифатида қорғозда қолмагани дуруст. Улардан ўша халқ адабиётининг энг юксак асарларини саралаб беришни сўрасак, эвазига эса ўзбек сўз санъатининг энг улуғ асарлари рўйхатини тақдим этсак, тўғри бўлар эди. Бу ёғи – ўша юксак асарларни калами равон, сажияси баланд мутаржимларга топшириш, холос. Ана шунда икки элнинг ўртамаёна адиблари ўзаро қадрдошлик эвазига бирининг асарини бири ўғирмай, бадиий юксак, энг келажиклари таржима қилинади.

Таржима – бадиий ижод. Мутаржимлар Ёзувчилар уюшма-

сига аъзо эканлиги ҳам шунинг далили. Бироқ таржимон меҳнатини рағбатлантиришга келганда тўхтаб қоляпмиз. Ҳалига довр бирон мутаржим “Халқ шоири” ё “Халқ ёзувчиси” унвони билан сийланмаган. Миртемир ва Мирзакалон Исмоилий – ўзбек адабиётини тарихида бири шеърый ва яна бири насрий асарларни энг кўп ва энг хуб ўғирган бўлса-да, ўзбек бадииятини юксалтиришга бемисл ҳисса қўшган бу икки сўз санъаткори эъзозланмаган. Миртемир таржималари учун эмас, балки йўқсулар доҳийсининг юз йиллик юбилеи арафасида “Ленин жилмайиши” поэмасини ёзибгина халқ шоири бўлди, Мирзакалон Исмоилийга эса вафоти олдиан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” деган унвон берилди, унгача олгани – урушдаги ордени эди, вассалом. Хайриятки, мустақиллик даврида, орадан ўттиз йил ўтиб, муз кўчди – энг интеллектуал мутаржим Иброҳим Фафуров “Ўзбекистон Қаҳрамони” бўлди. Бу, албатта, ҳаммамиз учун байрам. Бундай оларнинг умрини шу заҳмат билан ўтказган Наби Алимуҳамедов, Рустам Абдурахмонов, Қодир Мирмуҳамедов сингари буюк қалам усталарининг қадр топмай ўтгани ёдга тушади. Хайриятки, Огаҳий мукофоти таъсис этилиб, моҳир мутаржимларнинг ҳам кўрагига шомол тегадиган бўлди. Лекин бу мукофотдан қатъи назар, “Йилнинг энг яхши таржимаси” танлови ўтказилиб, яхши асарлар муносиб тақдирлаб турилса, ёмон бўлмасди.

Ҳамиша таржимон – ноёб хазина. Унта ижодкордан битта-ситта бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик. Умри азиз-чи? Ўттиз йилдан бери шундай факультет бўлимларда ўқиган юзлаб йигит-қизнинг қай бири қайси асарни қойиллатиб, ким айтиди, не натижага эришди, ким йилда? Йўқ. Уларни беҳуда ўқитмаяпмизми?

Ҳамиша таржимон – ноёб хазина. Унта ижодкордан битта-ситта бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик.

Ҳамиша таржимон – ноёб хазина. Унта ижодкордан битта-ситта бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик. Умри азиз-чи? Ўттиз йилдан бери шундай факультет бўлимларда ўқиган юзлаб йигит-қизнинг қай бири қайси асарни қойиллатиб, ким айтиди, не натижага эришди, ким йилда? Йўқ. Уларни беҳуда ўқитмаяпмизми?

Ҳамиша таржимон – ноёб хазина. Унта ижодкордан битта-ситта бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик. Умри азиз-чи? Ўттиз йилдан бери шундай факультет бўлимларда ўқиган юзлаб йигит-қизнинг қай бири қайси асарни қойиллатиб, ким айтиди, не натижага эришди, ким йилда? Йўқ. Уларни беҳуда ўқитмаяпмизми?

Ҳамиша таржимон – ноёб хазина. Унта ижодкордан битта-ситта бўлса, ўзи ўғириб олаверсин, эгилиб-букилиб ўзимизни тақдим этмайлик. Умри азиз-чи? Ўттиз йилдан бери шундай факультет бўлимларда ўқиган юзлаб йигит-қизнинг қай бири қайси асарни қойиллатиб, ким айтиди, не натижага эришди, ким йилда? Йўқ. Уларни беҳуда ўқитмаяпмизми?

Чунончи, Ўзбекистон мустақиллиги 33 йиллиги тантаналарининг лейтмотиви бўлган “Ўзбек келаётир” деган шеърни бошқа биров эмас, ўша икки озар талабанинг бири Акфиз Ўзтўрк ёзган-ку! Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон каби яна ўн давлат университети билан шундай ахдномалар тузилса, қани эди! Ҳолбуки, эркимиз ўз қўлимизда, талаба алмашиш учун бировдан рухсат сўрамаймиз, аммо ҳануз дадил қадам қўя оляпмиз.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо йирк бир давлат, туркий дунёнинг марказида жойлашган. Демак, туркий тиллараро таржимани кучайтириш бирламчи ишмиз бўлиши табиий. Буюк Илпак йўли ўртасида жойлашган Ўзбекистон ана шу тариқа Таржима марказига айланса, не ажаб? Бунинг дастлабки муждалари бор ҳам: 100 жилд рус адабиёти намуналари чоп этилди, 2022 йилда эса Президентимиз давлати билан 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами босилди. Бу ташаббусни давом эттириб, 100 жилдлик туркий халқлар фольклорини нашр этсак, бу соҳада етакчилик мавқеимиз мустаҳкамланади. Бу иш туркий халқлар аҳиллигини кучайтирадиган муҳим қадам бўлади, чунки ҳар бир элнинг дили, миллий руҳияти энг аввало оғзаки ижодида – мақол-матал, кўшиқ, эртақ ва дostonларида акс этади.

Таржима ишида энг катта ишқал уни молилаштириш бўлиб қолди. Ҳозир таржимон оила болқолмайди. Қалам ҳаққи тиркичиликка кифоя қилса, барча муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, моҳир мутаржимлар яна сафга қайтади.

Сифатсиз китоблар, бўлмағур таржималар умумсавияни тобора пастлатаётир. Бунга чек қўйиш учун нашриётлар кўлемини тақризга бериш тартибини тиклаш керак. Бу ҳақда кўп гапирилади, аммо маблағ тежаш учун ҳатто мусоаҳхилардан воз кечиллаётган, кўлемизда деряли таҳрир қилинмай босилаётган замонда вақт ва пул талаб қиладиган бу ишни хушлалари дарғумон. Аммо масалан, “Жаҳон адабиётини” журнали ҳар бир ўғиргани чоп этиш олдиан тақризга берилади. Бир жураналча ҳам бўла олмайди бутун бошли нашриёт?

Таржималарга буюртма йўқ, маблағ ажратили ҳам шунга яраша ҳолда. Бу муаммони ҳал этиш учун “Таржима фонди” таъсис этилса ва унинг қошида “Таржима санъати” журнали очилса, маъқул бўлади, назаримизда.

Бу эса халқ маърифатини янада юксалтириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлади, насиб этас.




МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Мазкур мақола ёзилишига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг "Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари" номли фундаментал асари ҳамда "Jadid" газетасида мунтазам бериб борилаётган туркум чиқишлари туртки бўлди. Архивдан бугун биз ҳикоя қилмоқчи Ғофур Қосимовнинг "айблов" иши йиғма жилдини топиб ўргандик.

Ғофур Қосимов 1894 йили Ўш шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, отадан эрта етим қолган. 1897 йили оила Наманган шаҳрига кўчиб келади. Ғофур олти ёшдан мусулмон мактабида ўқиб бошлади. 12 ёшида янги усулдаги ўзбек мактабида тахсилни давом эттиради. 1908 йилгача бойлар кўлида хизмат қилиб, асалари боқади. Инқилобдан кейин Фарғона шаҳрида олти ойлик қисқартирилган педагогик курсда ўқиб, Наманган шаҳридаги педагогик курсларда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Шундан сўнг, Наманган шаҳар халқ маорифи бўлими муdiri бўлиб хизмат қилади. 1921 йил апрель бошларида партия сафига ўтади, ўша йили Наманган уезд-шаҳар ижроия комитетига сайланади ва уезд-шаҳар милиция бошлиғи, уезд-шаҳар партия комитети масъул котиби бўлиб ишлайди.

1922 йил баҳорда Қорадарёдаги Кампирравот сув тақсимловчи тизимнинг ишдан чиқиши оқибатида Андижонсой ва Шахрихонсой каналларига сув келиши тўхтаб қолган эди. Республикада сугориш тизимларини тартибга солиш, янги каналлар қазииш муаммолари 1923 йил 6 мартда Тошкентда бўлиб ўтган ирригаторларнинг жумхурият кенгашида кўриб чиқилади. Кенгашда фақат бузиб ташланган иншоотларни ишга солишгина эмас, бу борада илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини олиб бориш, малакали мутахассислар тайёрлаш, сув масаласи бўйича қонун ишлаб чиқиш зарурати ҳам кенг муҳокама қилинади. Шу тариха 1926-1927 йилларда Шахрихонсой канали қурилиши лойиҳалаштирилиб, қурилиш трестини бошқариш Ғофур Қосимовга тоширилади. Тез орада Фарғона области Балиқчи районидан сугориш ишлари тикланиб, Шахрихонда сув тақсимловчи тармоқ ишга тушади, сувни тартибга келтирувчи 25 та иншоот қурилади, лойиҳа доирасида Норин дарёсидан сув ичадиган Янгиарик канали қайта таъмирланади. Ғофур Қосимов 1924-1925 йилларда Наманган уезд-шаҳар

"Кўшчи" союзи раиси бўлиб ишлади. Шу йилларда 300 минг деҳқон қишлоқ хўжалик характерида эга бўлган кооператив ва ширкатларга аъзо бўлдилар. 1923 йили биргина Фарғона вилояти бўйича 58 фоиз пахта майдонига чигит айнан шу ширкат ва кооперативлар ёрдамида экилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳамда кенг истеъмол моллари ҳам аҳолига имтиёзли баҳоларда сотила бошланди. 1923 йилдан бошлаб пахта етиштиришдан олинган қишлоқ хўжалиги солиғи бекор қилинди. Аслида, марказ томонидан берилаётган имтиёзлар содда, оддий ўзбек пахтакорининг арзимас пул хисобига қарамлигини ошириб, ўлкада пахта яққаҳоқимлиги кундан-кун чуқурроқ илдиз отишига олиб келаётган эди. Хусусан, меҳнат



Ғофур Қосимов (1894-1938)

раиси И.Бирюшев, ўринбосари Н.Кришталь ва аъзолари Ф.Дюжев, М.Никольский ҳамда бошқа худудий сармоядан манфаатдор бўлмаган шахслар туфайли пах-

шойи тўқиш тармоғи кенгайиб, Марғилон, Наманган, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларидаги фабрикаларда 1937 йилга қадар табиий ипақдан турли хил мато-газлама-лар ишлаб чиқарилди. Маҳаллий хомашёга асосланган ушбу маҳсулотлар ички бозор баробарида хорижга ҳам чиқарилди.

Пахтага қараганда кам харажат, кам меҳнат талаб қиладиган ипақчилик соҳасидаги бу ютуқлар марказнинг пахта яққаҳоқимлик сиёсатида зид деб баҳола-ниб, қахрамонимиз фаолиятига нисбатан муносабатнинг кескин-лашувига олиб келади. Айни шу зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда у фақат хўжалик ва бошқарув ишлари билан чекланиб қолмай, маънавий-ижодий изланишларга ҳам эътибор қаратиб, 1935 йилда "Ёзи ва Зебо"

фур Қосимовнинг партия ва со-вет ҳокимияти тизимида масъул лавозимларида ишлагани, юқори лавозимли шахслар билан яқин алоқада бўлгани ҳамда уларнинг топшириқларини ўз вақтида ва сўзсиз бажариб келгани ҳақида кўрсатмалар беришади. Тергов жараёнида маҳбус гумондор шахслар билан юзлаштирилма-ган, уларнинг "кўрсатма"лари қанчалик ҳақиқат ёки НКВД хо-димлари томонидан тўқиб чи-қарилганини билмаган Ғофур Қосимов қийноқлар, азоблар оқи-батада "айблов"ни тан олишга мажбур қилинган.

Хавфсизлик хизмати катта лейтенанти Мирошниченко, 4-бу-лим бошлиғи Агабеков, бўлим ёрдамчиси Матвеев уни айблаш учун, жумладан, қуйидагича ху-лоса тайёрлайди: "1922 йилда ташкилот маркази раҳбари Аб-дулла Каримов топшириғи билан "Миллий иттиҳод" филиалига асос солади. Филиал аъзолари Тўрақўрғон ва Чустда хонадон-ларда ўтказиладиган "ГАП" меҳ-мондорчиликка тўпланиб, яши-рин йиғилишлар ташкил қилган. Аҳоли ўртасида совет ҳукумати-ни ағдариш, ўрнига исломий дав-лат тузишни, шариат ва қозилик судларини тиклашни, аёллар-нинг озодликка чиқиши, уларни жамиятдаги иштирокини чеклаш-га доир тарғиботлар олиб борган ҳамда босмачиларга ёрдам қи-лишда фаол иштирок этган..."

Тергов хулосасида у 1927 йил-дан аксилчилик бўйи ўнг оғма-чилар гуруҳи таркибига киргани, миллий масалага доир антисо-вет ҳаракатларда иштирок этгани ва бошқаларни ҳам ушбу гуруҳга жалб қилгани, 1932 йилдан эса раҳбарлик лавозимида туриб ипақчилик соҳасида антисовет тарғибот олиб боргани, унинг ривожига зарар етказгани ҳам-да аксилчилик бўйи ташкилотни маълумотлар билан таъминлаб келгани ҳақида айбловлар келти-рилган.

Айблов хулосаси НКВД училиғи томонидан 1937 йил 1 декабрда Олий суд ҳарбий коллегиясига юборилади. Ҳарбий коллегия сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрь куни соат 12:15 да бош-ланган мажлиси атиги 20 дақи-қа давом этади. Ана шу қисқа вақт ичида Ғофур Қосимов оту-вга ҳукм этилиб, ҳукм ўша кунийёқ ижро қилинади.

Табиийки, у қатағонга учраган дамдан бошлаб оила барча ҳақ-хуқуқлардан маҳрум қилинади, "халқ душмани"нинг оиласи ёки фарзанди тамғаси билан узоқ йиллар таъқиб остида яшайди. Бу пайтда унинг турмуш ўртоғи қарамоғида қолган етти нафар фарзанди – беш қиз ва икки ўғли бор эди. Аммо қатағондан кейинги йилларда оила аъзола-ри томонидан қилинган муро-жаатларда улар ҳақида тўлиқ маълумот учрамайди. Айниқса, айрим фарзандларнинг мутла-қо тилга олинмагани уларнинг тақдири фожиали яқун топгани, эҳтимол, қатағон йилларининг оғир шароитида вафот этган бў-лиши мумкинлигидан далолат беради.

Ўқтамжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Андижон давлат университети
доценти



ва мудофаа кенгашининг 1923 йил 4 августдаги қарорига муво-фиқ, 10 миллион пуд пахта ва 3 миллион пуд толаннинг марказга олиб кетилиши мазкур сиёсат-нинг амалдаги ифодаси бўлган.

Пахта майдонининг кўпайиши дон ва бошқа озиқ-овқат экинла-рининг камайишига олиб келди. Натижада, ўлкада очарчилик, қимматчилик юзага кела бошла-ди. Масалан, 1923 йилда Фар-ғона водийсида мисли кўрилма-ган қимматчилик, очарчилик юз берди. Бу ҳолни бартараф этиш чораларини излар экан, Ғофур Қосимов қардош Озарбайжон Республикаси илгари сурган "пах-тани тўлиқ равишда Бош пахта кўмитасига эмас, турли Халқ ко-миссарликлари бўйича тарқатиш ташаббуси"га хайрихоҳлик бил-дириди. Кейинчалик эса Кавказор-ти Федератив республикалари ўз пахтасини четга – валютага сотиш имконига эга бўлгани тин-чини ўғрилаб, унда жиддий норо-зилик уйғотди.

Шу ўринда "Нима учун Турки-стон ўлкасидаги Пахта кўмитаси ўз худудий мустақиллиги учун курашмади, пахта етиштириш ва сотишда мустақил сиёсат юри-тмади?" деган ўринли савол ту-ғилади. Бу борада у кўмитанинг аксарияти европалик бўлган раҳбарлари – жумладан, кўми-та

тани сотиш масаласи амалда марказлашган Бош пахта кўми-таси ихтиёрида қолдирилган, деган хулосага келган. Шу боис, пахта-чилик соҳаси бўйича маҳаллий кадрларни тайёрлаш ташаббуси билан чиқиб, ўзи ҳам 1928-1929 йилларда Москвада Олий партия мактаби хузуридаги Олий кол-хозлар институтида тахсил олиб қайтди.

Шу даврлардаёқ унинг мус-тақил фикр юритиши ва айрим сиёсий масалаларда расмий қар-рашлардан фарқли позицияси фирка чиновникларининг гашига тега бошлади. Хусусан, маҳбус қўрбошилари озод қилиш ҳақи-даги фикри учун унга хайфсан берилади.

1929-1930 йиллари Наман-ган район пахта союзи раиси, 1930-1931 йиллари Андижон ок-руг колхоз секцияси раиси, 1932 йилда Тўрақўрғон район колхоз союзининг раиси бўлиб ишла-ган вақтида Ғофур Қосимов пахта яққаҳоқимлиги республикада турли салбий оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билга-ни ҳолда, республикада ипақчи-лик саноатини ривожлантириш таклифи билан чиқади. 1932 йил охирида ўша вақтда республика раҳбари Акмал Икромов шахсан ўзи Ғофур Қосимовни Тошкентга қақриб олиб, "Ўзбекипак" трести директори қилиб тайинлайди.

Бевосита унинг саъй-ҳаракати билан Фарғона шаҳридаги бирин-чи 56 қозонли пиллакашлик фаб-рикаси фаолияти кенгайтирилади. 1927-1932 йиллар давомида Самарқанд, Бухоро ва Марғилон шаҳарларида шундай фабри-калар қурилиши якунига етади. 1932 йилдан уларда тўла сме-нада иш ташкил этишга эриши-лади. Шу асосда ипақ толасидан

номли саҳна асарини яратади.

Бироқ унинг мустақил қараш-лари ва амалий фаолияти кўп ўт-май сиёсий айбловлар учун асос сифатида баҳоланади ҳамда тақ-дирида ҳал қилувчи бурилишга олиб келади. 1937 йил 5 август куни Ғофур Қосимов аксилчи-лик бўйи ташкилот аъзоси сифа-тида айбланиб, Тошкент шаҳри Маяковский кўчаси 7-уйда хибсга олинади. 1937 йил 22-23 август кунлари тергов қилиниб, ундан аввал "Нашир маориф" ташкило-ти, кейин "Миллий иттиҳод" таш-килотининг Наманган филиали-даги фаолияти ҳақида сўралади. Ғофур Қосимов жамкии тўхмату бўҳтонни кескин рад этади.

Бироқ "айб"ларни тан олди-ришда ҳар қандай қабиҳлик, жирканч ишлардан тоймайдиган НКВД ходимлари уни яқиндан билган, бирга ишлаган шахслар-ни терговга тортади. Шу зайл, "керакли кўрсатмалар" қўлга ки-ритилади. 1937 йил сентябрь ойининг ўрталарида ўтказилган терговлар давомида бир неча шахсдан олинган кўрсатмаларда 1920 йилда Наманган шаҳридаги Татарский кўчасида жойлашган уйлардан бирида "Нашир мао-риф" ташкилотига аъзоликка қа-бул маросимлари бўлиб ўтгани таъкидланиб, Ғофур Қосимов ҳам ушбу ташкилотга аъзо экани ҳақида маълумотлар келтирилади. Бошқа кўрсатмаларда Ғофур Қосимов билан яқиндан таниш шахслар уни 1918 йилдан бош-лаб аксилчилик бўйи ташкилот аъзоси бўлгани, ҳатто Қўқон мух-ториятини ташкил этиш жараёни-да фаол иштироки ҳақида баён қилинган.

1937 йил сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган навбатдаги терговларда бир неча шахс Ғо-

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Иззатулла Нигматуллаев – 1888 йили Бухоро шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг собиқ аъзоси. 2223-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муд-дати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилчилик-бий тарғибот олиб борганликда, СССР-даги очарчилик ҳақида миш-миш тар-қатганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган.

Ширмонқори Тошматов – 1900 йил-да Андижон шаҳрида туғилган. "Ўзбек-савдо"да ишлаган. 1931 йил 17 январ-да хибсга олинган. Сайфи Камоловнинг таклифи билан "Миллий истиқлол" таш-килотининг Андижон филиалига аъзо бўлган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелда-ги қарорига кўра, РСФСР Жиноят кодек-сининг 58-моддаси 4-, 11-бандлари билан айбланиб, 10 йил концлагерга ҳукм этил-ган. 1989 йил 30 апрелда реабилитация қилинган.

Ғофур Саид – 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган. Тўққиз киши-дан иборат "Миллий истиқлол" ташкило-ти аъзолари билан биргаликда миллий истиқлол ғоясини фаол тарғиб этганлик-да, пахта экин майдонларини кенгайти-ришга қаршилиқ кўрсатганликда, омани советларга қарши тарғибот қилиш гуруҳи аъзоларига топширилган берганликда айбланган. РСФСР Жиноят кодексининг 17-, 58-бандлари 4- ва 10-қисмлари би-лан айбланиб, 10 йил муддатга концла-гер турмасига ташланган.

Нажмиддин Шераҳмедов – 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинганга қадар аниқ машғулоти бўлма-ган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олин-ган. "Миллий иттиҳод"нинг аъзоси бўлиб, Афғонистон консуллиги орқали савдо-гарлар орқали муҳожирлар учун пул юборганликда, Берлин шаҳридаги совет-ларга қарши ўқувчилардан ташкил топ-ган колоннани қўллаб-қувватлаганликда айбдор деб топилган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 3- ва 4-бандла-ри билан айбланиб, 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегияси томонидан отувга ҳукм этилган. 1989 йили 28 мартда реабилитация қилинган.

Азизхон Хўжаев – 1905 йили Бухо-ро шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. ВКП(б) аъзоси бўлган. 1926 йили Берлин университети иқтисодиёт факультетини битирган. Рус, турк, тожик, форс, инглиз, немис тилларини мукамал билган. У Абдурауф Фитратнинг шоғирди бўлган. 1926 йили Берлиндан қайтиб келгач, Бо-куда бир йил таҳсил олади.

Тошкентдаги "Миллатчи аксилчи-лобчилар" – Шохид Эсон Мусаев, Исмоил Садрӣ, Мирза Амин Муҳитдинов ва бошқалар билан ҳамнасаб бўлган. Аф-ғонистон, Эрон ва Хитой консулликла-ри ходимлари билан доимий мулоқотда бўлган.

1932 йил 20 октябрда ОГПУ Азизхон Хўжаевни 5 йил муддатга концлагерга ҳукм қилган. У Беломор-Болтик меҳнат-тузатув лагерига 1933 йил 29 апрелида келтирилади. Кейинроқ 1934 йил 14 май-да ОГПУ – Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси томонидан хибсга олинади ва Ички ишлар халқ комиссарлиги Ле-нинград бўлими "Училиш"нинг 1937 йил 25 ноябрдаги 199-сонли баённомасига биноан олий жазо – ўлимга ҳукм қилина-ди.

Ҳукм 1937 йил 8 декабрда Лодейно-пол лагер округида ижро этилган ва бу ҳақида далолатнома тузилган. Азизхон Хўжаев 1958 йил 16 апрелда реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи
(Давоми келгуси сонда).




“Агар тарихни билмасангиз, демек ҳеч нарса билмайсиз. Сиз қайси дарахтда қуртак отганини билмайдиган япроксиз.”
Майкл КРАЙТОН

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ФРАНЦИЯ МУДОФАА ХАРАЖАТЛАРИНИ ОШИРМОҚЧИ



Франция 2030 йилгача мўлжалланган ҳарбий режалаштириш тўғрисидаги янги-ланган қонун доирасида мудофаа хара-жатларини яна 39 миллиард долларга оширмоқчи. Бу ҳақда Reuters хабар берди.
Мазкур маблағлар мамлакат ядровий арсеналини кенгайтириш ҳамда ракета ва дронлар захирасини кўпайтиришга йўнал-тирилади, дейилади хабарда.



ОЙ АТРОФИДАГИ СУРАТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШ Миллий аэронавтика ва коинот бошқармаси (NASA) "Артемида II" миссияси экипажи Ойнинг орқа томони бўйлаб парвоз пайтида олган илк фото-суратларни эълон қилди.
Ойнинг тескари томонига ўтиш етти соат давом этади. "Орион" коинот кемаси Ой юзасидан тахминан 6400 километр баландликда учиб ўтди. Астронавтар Ерга нисбатан 406 771 км масофага узоқлашиб, инсон иштирокидаги парвозлар тарихида янги рекорд ўрнатди.

ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИ

Афғонистонда март ойининг охири-дан буйен қузатилаётган кучли ёмғир ва сув тошқинлари оқибатида ҳалок бўл-ганлар сони камида 148 нафарга етди. Бу ҳақда "Толибон" муваққат ҳукумати-нинг фавқулодда вазиятларни бошқар-иш агентлиги хабар қилди.



Табиий офат уй-жойларга ҳам катта зарар етказган. Хусусан, 139 та уй бутунлай вайрон бўлган, яна 657 таси қисман ши-кастланган.

МАЖБУРИЙ ҲАРБИЙ ЧАҚИРУВ
АҚШ ҳарбийлари Эрон билан уруш эҳтимоли фонида ҳарбий хизматга ча-



ҚИРУВ ЖАРАЁНИГА ЖИДДИЙ ЎЗГАРТИРИШ КИРИТДИ.

Metro нашининг хабар беришича, де-кабрь ойдан бошлаб 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган лаёқатли эркеклар ҳарбий хизмат-га қақрилувчиларнинг захира рўйхатида тўғридан-тўғри киритилади.
Ҳарбий рўйхатдан ўтмаган эркеклар 250 минг долларгача жаримага тортилиши, қа-моқ жазосига ҳукм қилиниши ва бошқа жа-золарга тортилиши мумкин.



ТИЛБИЛИМ

Темирми, Темурми ё Тимур?

Қай бирининг ёзилиши тўғри? Амир Темур деймиз ва барча манбаларда шундай ёзилган. Шу билан бирга, Темир исми ҳам кўп учрайди. Умуман, Темур/Темир/Тимур – туркий халқлар ичида энг кўп тарқалган исмлардан бири. Ҳозирги ўзбек тилида кимёвий модда, маъданни – темир деймиз. Тоштемир, Эштемир, Бектемир каби исмларда “темир” шакли қатъий ўрнашган, яъни Тоштемур демаймиз. Келинг, мулоҳаза учун бу сўзнинг ўтмишига бир назар ташлаб кўрайлик.

Хоҳ маъдан, хоҳ атоқли от маъносида бўлсин, темир – турклар тарихида муҳим ўрин тутди. Буни қарангки, икки буюк тарихий шахс: Чингизхон (Тимужин) ва Темур ҳам туғилишдан шу ном соҳибларидир. Темир – бу мустақамлик, чидамлилик, кучқудрат, ирода рамзи, шунингдек, қадимги турклар зеҳнияти, турмуш тарзи, мафкураларида марказий ўрин тутган бир унсурдир.

Маълумки, хунлардан то кўктуркларгача бўлган даврда Чин империяси (ҳозирги Хитой) билан бақамти яшаган қадимги туркларнинг ажодлари Хитой маданияти таъсирида бўлган. Шу боис темир, қумуш, олтин каби маъданларнинг номлари, мутахассисларга кўра, ўрта чин (хитой) тилидан қадимги турк тилига ўзлашган. Қадимги турклар темирни ўзларига “бўйсундириб”, ундан қурол-яроғ ясашни билмаганларида, эҳтимол, Ашина қавми Турк хоқонлигига асос солмаган, турклар тарихида йирик давлатлар, империялар қура олмаган бўларди. Шу боис тарих киб

тобларида Темур отлик тарихий шахслар кўп учрайди.

Тилшунос олим О.А.Мудракнинг ёзишича, “темир” сўзи этимологияси қадимги чинча “темир нарса” маъносидаги “diēt-mwīt” калимасига бориб тақалиб, унинг туркчага ўтган эски хитойча шакли “diētmwūr”дир. Ҳозирги хитой тилида эса “темир” – “tiē” деб талаффуз этилар экан.

Энг қадимги туркий обидаларда ҳам “темир” кўп учрайдиган сўзлардан биридир. Қизиги шундаки, VIII–X асрларга оид Ўрхун-Энасой, Турфан, Шарқий Туркистон ҳудудларида топилган ёдгорликларда бу сўз кўпроқ “темир” шаклида ёзилган. “Древнетюркский словарь” лугатига мазкур даврга оид қадимги туркий обидалардан “темир”, “темир асақ”, “темирчи”, “темирлиг”, “темир қапиг” каби ўнлаб сўзлар келтирилади (ДТС. Ленинград. “Наука”. 1969. 551-бет).

Х асрдан кейинги адабий ёдгорликларда эса маъдан номи ҳам, атоқли от ҳам асосан “темур” шаклида қайд этилган. Хусусан, XI асрга оид “Қутадғу билиг” ва “Девону лугатит турк”да бу сўз – тёмур шаклида учрайди. Маҳмуд Кошғарий “Девон”да, шунингдек, “тёмурчи”, “тёмурлүг”, “тёмүргән” каби сўзларни келтиради ва барчасида “тёмүр” шакли сақланган. Рабғузий ҳам бу сўзни “темур” шаклида ёзган. Эргаш Фозилонинг “Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века” лугатига келтирилишича, XIV аср Хоразм адабий муҳитида ҳам бу сўз – “тёмүр” ҳамда “темур” шаклларида қўлланган. Лугатда “Наҳжүл-фародис” асаридан шундай мисол келтирилади: “нәтәк ким тәмурчиняң көрүки тәмурнүң йаманларыны кетәрүр” (“Темурчинине кураги темурнинг ёмонларини кураб ташлайди”. Э.Фазылов. СУЯ. II. Т.1971. 378-бет).

Өврүпәлик миссионерлар томонидан XIII–XIV асрларда тузилган, асосан қипчоқ лаҳжасини ўзида акс эттирган “Кодекс куманикус” лугатига бу сўз “temig” шаклида келади. Умуман, қипчоқ ва сибир лаҳжала-

рида бу сўзнинг “темир”га яқин талаффуз этилишини кўриш мумкин (татар, бошқирд: тимер; қозоқ, қорақалпоқ, нўғай: темир; тува: демир; ҳакас: timer, ёкут: timir; чуваш timer; мўғул: төмөр). Қарлуқ лаҳжаси, хусусан, уйғурча: тумур, эски ўзбек адабий тилида: темер; эски усмонли туркчасида: demur, аммо ҳозирги Туркия туркчасида: demir; озарбайжонча: dəmir; туркманча: demir ва ҳоказо.

Шунингдек, Темур исмини кирилл ёзувида – “Тимур” (лотинда: “Timur”) шаклида ёзиш анъанаси ҳам бор. Маълумки, Темур нафақат туркийлар ичида, балки дунё бўйлаб кенг тарқалган исmdir. Шу боис “Тимур” шаклини бу исмининг “байналмилаллашган” кўриниши, дейиш мумкин.

Шу ўринда Чингизхоннинг асл исми – Темужин ҳақида ҳам икки оғиз сўз: тарихдан маълумки, Ясугай Баҳоидир татарлар бошчиси Темужин Уге устидан қозонилган ғалаба рамзи ўлароқ ўша пайтда туғилган ўғлига шу исми берган. “Темужин” исми ҳам “темир” маъносини билдиради, дейилади, аммо нега “тему-жин”, яъни сўз охиридаги “-жин” (“-чин”) қандай маънога эга? Бизнингча, бу сўзнинг иккинчи қисми ҳам хитойча “металл” маъносидаги “jin” сўзидир.

Гувоҳи бўлдики, X асрдан то кейинги асрларгача минтақамизда, Шарқий Туркистондан то Хоразмгача бўлган ерларда, биз эски ўзбек тили деб биладиган туркий адабий тилда маъдан маъносида ҳам, атоқли от маъносида ҳам “темур” шакли қўлланилган экан. Шимолий турк тиллари гуруҳи, хусусан, қипчоқ, сибир лаҳжала-рида эса кўпроқ “темир” шакли сақланган. Ҳозирги ўзбек тилини қарлуқ, қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий лаҳжаларни ўзида бирлаштирган, таъбир жоиз бўлса, ўрта турк тили дейиш мумкин. Шу боис тилимизда бу сўзнинг иккала шакли ҳам мавжуд ва иккиси ҳам бизга бегона эмас.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

ЖАРАЁН



МИЛЛАТ ЖАВОҲИРИ

Қодирий ижоди миллий ўзлгимизни англашга хизмат қиладиган нодир манба, авлодлараро маънавий кўприқдир.

Ана шундай улғу мерос соҳибининг хотирасини абадийлаштириш, унинг бой ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида адиб таваллудининг 132 йиллигига бағишлаб “Турон” ахборот-кутубхона марказида “Буюк адиб хотираси” номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, талабалар ҳамда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти Раҳима Юсупова очиб берар экан, ҳадиб боболаримиз том маънода миллат жавоҳирлари экани, уларнинг жасорати, оғир ва таҳликали замонда ҳам ҳақиқатни қуйлашдан асло чекинмаганини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, адибнинг энг йирик асарларидан бири – “Ўткан кунлар” ҳақида сўз борар экан, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев шундай дейди:

– Бу роман юксак бадиий тафаккур маҳсулидир. Узини шу юрт фарзанди деб билган киши борки, бу асарни ўқиши шарт. Ёш авлод Қодирий ижоди асосида миллий адабиётимизнинг нуфузини янада ошириш, уни жаҳон майдонида кўпроқ ва кенгроқ намоён этишга муносиб ҳисса қўшиши лозим.

Зеро, миллий кадрларимиз – бу бизнинг ўзлгимиз, ўзагимиз, тарихий хотирамиз ва келажакка бўлган ишончимиздир. Қодирий асарларида ана шу кадрятлар бадиий бўёқларда юксак тасвирланибгина қолмай, уларнинг моҳияти чуқур очиб берилади. Оила муқаддаслиги, ватанпарварлик, инсон шаъни ва ор-номус каби тушунчалар ёшлар қалбига сингдирилади. Бугунги глобаллашув даврида ана шу кадрятларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлод онгига етказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадбир давомида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, куй-қўшиқлар ва миллий рақслар намойиш этилди.

Жамолиддин БАДАЛОВ

ЯНГИ КИТОБЛАР

Нима учун “Ит овқат”?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республика давлат мукофоти соҳиби Иброҳим Раҳим таваллудига 110 йил тўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳимийлигида таниқли адибнинг “Танланган асарлар”и нашр этилди. Ўз вақтида ёшлар севиб мутолаа қилган “Чин муҳаббат” романи ва “Ҳилола” қиссаси (бу икки асар 1958 йилда ёзилган), шунингдек, “Ёшлик қайтиб келмайди” сарлавҳаси остида ёзувчининг самимий хотиралари ушбу китобдан ўрин олган.

“Биз Қувдаги Соёкелди

қишлоғининг Шарқий этағида яшардиқ, – деб ёдга олади ёзувчи. – Маҳалламизни “Ит овқат” деб ҳам атардилар. Унинг номи менга жуда дағал, ҳақоратдай эшитиларди. Нима учун “Ит овқат”? Бунинг тағиға етолмай ҳайрон бўлардим”. Ўз наъбатинида, бу гапларни ўқиган ўқувчи ҳам ҳайрон бўлиши турган гап. Яна ёзиладики, “Жамоамизда “Бўзахўр”, “Ўғри боши” деган қишлоқлар бор эди. ...негадир холам яшайдиган қишлоқни “Беш тентак” дейдилар”.

Дарвоқе, юртимизнинг кўҳна қишлоқларини ораласангиз, бундан ҳам антиқа номларни учратиш мумкинлиги



ҳеч кимга сир эмас. Албатта, ҳар бир ном ва атаманин ўз тарихи бор. Китобда баён этилган атамалар маъноси эса уни ўқиган ўқувчига аён бўлади.

“Ичида деви бор” одам

Эврил Турон тахаллуси билан ижод қилган таниқли ёзувчи Мамадали Маҳмудовнинг “Танланган асарлар” тўпламига адибнинг ижодий меросидан сараланган “Ўлмас қоялар”, “Ойну” романлари, “Боғдон қашқари” қиссаси ҳамда бир қатор ҳикоялари, “Асов от қисмати” балладаси ва айрим публицистик мақолалари киритилган.

Бу асарларнинг аксарияти ўз вақтида муҳим адабий ҳодиса сифатида эътироф этилганини таъкидлаш жоиз.



“...Ўзанига сиғмай, пишқириб оқаётган дарё; баланд тоғларни кунпаякун қилмоқчидек ҳайқириб қирғоққа

урилаётган асов тўлқинлар; гайрати вужудидан тошиб кетаётган, “ичида деви бор” одам – Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) энди ўлмас асарлари ардоғида сизу биз билан, биздан кейинги авлодлар билан бирга – ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшайверди”, дейилади Абдусайд Кўчимов томонидан мазкур китобга ёзган сўзбошида.

Китоб адиб таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳимийлигида нашрга тайёрланган.

Нигина ИСКАНДАРОВА

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ТОМОША ВА ЗИЁРАТ

Кунни кеча Панорамада намойиш этилган “Амир Темур” фильмининг томоша қилар эканман, кўнглимдан айрим фикрлар ўтди. Шунинг ўртоқлашишга қарор қилдим.

Бизда томошабин маданияти борми? Бундан бир неча йил аввал “примадонна”миз залдаги шовқинга муносабат билдириб, томошабинларга халақит бермасликка чақирган эди. Ўшанда ҳамма ҳожиянани танқид қилган эди, аммо ўшанда у тўғри танбех берди.

“Амир Темур” фильми тақдимида ҳам шу каби нохушликлар бўлди. Тақдимот 19:00 га белгиланган эди. Ўз вақтида бошланди. Фильм намойиши эса 19:28 да бошланди. Менга таъсир қилгани мана шу вақтда ҳам одамларнинг кириб келиши бўлди. Майли, бунга ҳам чидаш мумкин. Бироқ 20:00 дан кейин ҳам одамларнинг кириб келиши, телефон чирогини ёқиб жойларини қидириш асосида бошқа томошабинларга халақит беришини қандай аташ мумкин? Бунга ҳам чидаймиз.



Аммо ёш болаларнинг икки соат мобайнида йиғлашларига бефарқ бўлган ота-оналарни маданиятга томошабин дейиш мумкинми?

Ортимизда 10-15 ёшли ўсмирлар ўтиришди. Уларга фильмнинг мутлақо қизиги бўлмади. Фақат бизга халақит бергани қолди.

Бу каби ҳолатни нафақат фильм томошасида, балки театр ва концертларда ҳам кўришимиз мумкин. Қачон маданиятга бўламыз?

Агар нотўғри фикрда бўлсам, уэр сўрайман. Ўша кунни тақдимотда бўлганлар қандай фикрда?

(Ҳа, айтганча, бу фикрлар-

нинг тақдимот ташкилотчиларига мутлақо алоқаси йўқ. Чунки бу ишда уларнинг айби йўқ).

Маданий ҳордиқ мавзусига алоқадор яна бир гап: 2011 йил Хитойга борган эдим. Пекиндаги Гугун (“Тақиқланган шаҳар”) саройига олиб боришди. Чипта билан бирга қандайдир жиҳозни тутқазиб, бу автогид эканлигини тушунтиришди. Бўйнимизга осиб олдик ва кулоқчинни тақдик. Ўша машҳур кинода айтилганидек, “техника мўъжизасини кўрганман-у, аммо бунақасини...” Биласиз, гидлар сайёҳларнинг кайфиятига қараб, билганларча маълумот беришади. Агар сайёҳ кўпайиб кетса ё объект гавжум

бўлса, гиднинг гапи мутлақо эшитилмайди. Автогид эса кулай экан. Гугун саройининг қаерига борсангиз, фақат ўша худуд ҳақида маълумот беради. Мосламанни тил билишингизга қараб мослаб оласиз.

Мана, орадан шунча йил ўтибди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимизда бу каби автогидлар бор ёки йўқлигиндан хабарим йўқ. Аммо қайсидир йили Самарқандга борганимизда – Амир Темур мақбарасидаги аҳволни кўриб беихтиёр Пекиндаги автогидни эсга олгандим. Чунки Амир Темур бобомиз мақбараси сайёҳларнинг шовқин-суронига тўлиб кетган, гидларнинг гапини деярли ҳеч ким эшитмасди.

Ўшанда (аввал ҳам ёзган-диган) “бизда зиёрат одоби йўқ”, деган фикрга келгандим. Ахир зиёрат бақир-чақир билан эмас, осейишталик билан бўлади.

Тарихий шаҳарларимизда автогидларни кенг жорий қилиш керак демоқчиман. Эшитишимча, тирик гидлар хорижлик сайёҳларга буюк тарихимиз ҳақида нотўғри маълумот берган ҳолатлар ҳам бўлган экан. Автогидларга эса тасдиқланган маълумотлар киритилади. Демак, муаммо бўлмайди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
Фейсбук

Jadid
adabiy, bilim-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Акмал Жумамуродов

Адади – 18 495
Шундан:
Кирилл ёзувида – 7024
Лотин ёзувида – 11 471
Медиа кузатувчилар – 81 772
Буюртма: Г – 439
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ